

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**А К А Д Е М И Я**

**Х. Ж. ЧИНИБОЕВ**

**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИДА**  
**ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ КОНСТИТУЦИЯВИЙ**  
**ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ**

**ТОШКЕНТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

Х. Ж. ЧИНИБОЕВ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИДА  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

*ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА*

Тошкент 2007

**Масъул муҳаррир**  
юридик фанлар доктори, профессор **Ҳ. Т. Одилқориев**

**Тақризчилар:**

Тошкент давлат юридик институти халқаро ҳуқуқ кафедраси мудири,  
юридик фанлар доктори **О. Муҳаммаджонов;**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девони  
юридик бўлими мудирининг ўринбосари,  
юридик фанлар номзоди **И. Самиев**

**Чинибоев Х. Ж. Ички ишлар идоралари тизимида фуқаро-  
ларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқларининг таъминла-  
ниши:** Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир проф. Ҳ. Т.  
Одилқориев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
2007. – 96 б.

Ушбу ўқув қўлланма ички ишлар идоралари тизимида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларининг таъминланиши масалаларига бағишланган бўлиб, унда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг ўрни ҳамда Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш ва ҳуқуқий таъминлаш, шунингдек ички ишлар идоралари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари батафсил баён этилган.

Қўлланмадан давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг «Давлат функциялари», «Давлат аппарати», «Ҳуқуқ нормалари», «Ҳуқуқни татбиқ қилиш», «Ҳуқуқий ҳулқ-атвор», «Юридик жавобгарлик» ва «Қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва интизом» мавзуларини ўрганишда асосий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги барча ўқув юртларининг тингловчи ва курсантлари, ўқитувчилари, тадқиқотчи ва адъюнктлари ҳамда ички ишлар идораларининг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

**ББК 67.99(2У)01я73**

**ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар Координатори  
ёрдамида чоп этилди.**

## КИРИШ

Охирги ўн беш йил ичида Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар натижасида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистонни келажакда дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафига олиб чиқиш республика ҳукумати олдида турган биринчи галдаги вазифага айланди. Жамиятимизни янада такомиллаштиришдан мақсад – шахснинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш ва янада бойитиш, уларни тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароит ва кафолатлар яратишдир.

Фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ошириш ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти даражасига, уларнинг сиёсий фаоллигига, шунингдек аҳоли маданиятининг етуклиги, ҳуқуқий онги даражасига ҳам боғлиқдир. Фуқаролар ўзларига тегишли ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида лозим даражада фаоллик кўрсатишлари талаб қилинади.

Фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муаммоси ғоят катта амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлиб, мазкур муаммо мамлакатимизда деярли ўрганилмаган. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларининг таъминланиши муаммолари ўзбекистонлик олимлар Ш. З. Уразаев, Х. Р. Рахмонқулов, У. Таджиханов, А. Х. Саидов, А. С. Якубов, Б. Р. Каримов, Р. Қ. Калонов, А. Сатторов, Л. Ф. Кашинская, Б. Т. Акрамходжаев, Б. У. Таджиханов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, улар бу муаммонинг маълум бир жиҳатларини, асосан, жиноятчиликнинг муайян турларини тадқиқ этишга уринганлар. Улар олиб борган илмий тадқиқотларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ-

ларини тиклаш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ва бошқа шу каби масалалар кўриб чиқилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисида 2005 йил ва келгуси йилларда олдимизда турган асосий ва устувор йўналишлар ҳақидаги Президент маърузасида бош вазифа – жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш, яъни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдан иборат эканлиги аниқ белгилаб берилди<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз иқтисодиётидаги эволюцион жараёнлар, жамиятни демократлаштириш учун республикамиз Президенти томонидан амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат яратилаётганидан далолат беради. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад – жамият томонидан яратилган барча қулайликлардан кишиларнинг баҳраманд бўлишини таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва фуқаролар ўзларининг юридик мажбуриятларини бажаришларига имконият яратишдир.

Ҳозирги кунда дунё парламентаризмининг икки палатали шакли анъаналашиб бормоқда. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни қатъий мақсад қилиб қўйган мамлакатлар ҳаётида бикамерализм, яъни икки палатали парламент ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ана шундай парламент шаклига ўтилиши Конституция ва қонун устунлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга, ҳокимиятнинг тақсимланиши принципини янада кенгроқ жорий этишга хизмат қилувчи қадрият сифатида эътироф этилмоқда<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 224-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т.* Икки палатали парламент / Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 5-б.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва уларни ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари ўз аксини топган.

Инсон ҳуқуқлари жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллашини инобатга олган ҳолда уларни ички ишлар идоралари томонидан ҳимоя қилиш тартиблари, механизмларига эътиборни қаратиш ҳозирги долзарб масалалардан биридир.

Фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб берилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди ва бу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳаётга жорий қилиш кафолати кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига мувофиқ инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олади ҳамда кафолатлайди. Бу унинг 19-моддасида ифодаланган бўлиб, шундай деб ёзиб қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ва чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарларида давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулклари қўриқланишини, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кескин кураш олиб бориш лозимлигини, бу ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабабларни тугатишни доимо кўрсатиб келган.

Президентимизнинг бундай кўрсатмалари ички ишлар идоралари ходимларига бевосита тааллуқлидир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳозирги давр инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига эскича қарашдан воз кечишни, давлат идоралари ва мансабдор шахслари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини замон талабларига жавоб берадиган даражада ҳимоя қилишларини тақозо қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан чиқарилган фармон, қарор, фармойишларда, сўзлаган нутқларида ички ишлар идораларининг фаолияти ҳали етарли даражада самарали эмаслиги, ҳозирги ўтказилаётган ислоҳотларга, давр талабларига жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилган. Президентимиз нутқларидан бирида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунни бузиб, ўзлари жиноятчилар билан шерик бўлаётганини айтиб ўтган. Жумладан, «инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг таъминоти ва ижтимоий муаммоларни ечиш сингари муҳим масалаларга беписандалик билан қараш, қонунбузарлик, тамагирлик, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турганлигини, бундай салбий кўринишларни қонун асосида бартараф этиш ҳақида ҳали кўп бош қотириш керак»<sup>3</sup>лиги таъкидланган. Кундалик амалиётда ички ишлар идоралари томонидан кишиларнинг ҳаётини манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий нормаларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенг ҳимоя қилиниши жамиятимиз сиёсий тизимини мустаҳкамлашда, миллий давлатчилигимизни ривожлантиришда, ислоҳотларимизни охирига етказишда муҳим омил ҳисобланади.

Конституция ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бошқа халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро талаб ва андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон қонунларининг ўзаги ҳисобланади. Республикамизда инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Шу тариқа давлатимизнинг инсон

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 228-б.

хуқуқларига оид ўз қонунчилик мажмуаси шаклланди. Айти пайтда, Ўзбекистон инсон хуқуқларига оид олтмишдан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзодир.

Давлатимизда инсон хуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими ташкил этилди. Олий Мажлиснинг Инсон хуқуқлари бўйича вакили, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон хуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ва бир қатор нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш орқали «жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-хуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз»<sup>5</sup>.

---

<sup>4</sup> Қаранг: Саидов А. Х. Олий қадрият // Қалқон. – 2004. – № 11 (75). – 2-б.

<sup>5</sup> Каримов И. А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 13-б.



# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИФОДАЛАНИШИ

## 1. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш

Ижтимоий онгда «инсон ҳуқуқлари» тушунчасининг қарор топиши, уларни рўёбга чиқаришда қўлга киритилган муваффақиятлар ва ниҳоят, инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсда эътироф этилиши амалда башариятнинг, энг аввало, давлатнинг ташкилий ва ҳуқуқий бошқариладиган жамиятида кишилар ўртасидаги муносабатларнинг тадрижий ривожланиш жараёнидир. 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни эълон қилди. Бу Декларация юридик кучга эга бўлган мажбурий ҳужжат сифатида қабул қилинмаган бўлса-да, кўпчилик давлатлар уни ратификация қилдилар ва халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида тан олдилар. Жумладан, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни расман тан олди.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини америкача концепцияси индивидларга тегишли ҳуқуқнинг табиийлиги ғоясига асосланади<sup>6</sup>.

Дунёдаги кўпчилик давлатлардан фарқли равишда, Буюк Британияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари бир-биридан ажратилмайди. Бунга сабаб, Буюк Британия конституциясининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидир. Унда фуқаролар асосий ҳуқуқларининг мазмуни қоида билан белгиланмай, одатга асосланади ва унга кўра, фуқаролар ҳуқуқий қоидалар билан тақиқланмаган барча ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга<sup>7</sup>.

---

<sup>6</sup> Қаранг: Иностранное конституционное право / Под ред. проф. В. В. Маклакова. – М.: Юристъ, 1997. – С.12.

<sup>7</sup> Қаранг: Ўша жойда. – 48-б.

Франция конституциясида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўзига хос тарзда мустақкамлаб қўйилган. Французларнинг 1958 йилда қабул қилган конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган махсус бўлим ёки боб йўқ<sup>8</sup>.

«Шахснинг ҳуқуқий ҳолати» тушунчаси мураккаб тизимга эга бўлиб, турли элементларни қамраб олади, бу элементлар шахснинг жамиятдаги юридик ҳолатини кўрсатиб туради.

Инсон биологик келиб чиқишга эга бўлганлиги сабабли биосоциал туркумга киради, ҳаётининг фаолияти давомидагина шахс сифатида шаклланади. Шундай экан, ҳуқуқий тизимда муҳофаза қилинувчи барча ижтимоий қадриятлар қаторида инсон ва унинг шахсияти етакчи ўринни эгаллайди. Чунки инсон ўз ижтимоий борлигининг турли-туман қирралари билан, жамиятнинг ижтимоий нуқтаи назаридан, ноёб ва бебаҳодир. У ҳаётдан маҳрум бўлган тақдирда табиатнинг, биологик нуқтаи назардан, ўрнини қоплаб бўлмайдиган инъикоси ҳисобланади. Бу, инсоннинг ҳар қандай жонли мавжудот сингари, унинг ижтимоий индивидуаллигини келтириб чиқарувчи бетакрор жисмоний ва рухий сифатларга эга бўлиши билан шарҳланади. Чунки инсон жамият ҳаётида иштирок этиши жараёнида шахс сифатида шаклланади, ривожланади ва намоён бўлади. Дарҳақиқат, шахс ижтимоий муносабатларнинг иштирокчиси ва ягона яратувчиси бўлиб, уларнинг таркиби ва тизимига узвий равишда боғлангандир.

Ижтимоий муносабатлар бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Инсон, ўз табиатига кўра кўпқиррали бўлганлиги сабабли, ҳаётда қанчалик кўп вазифаларни бажарса, шунча кўп ижтимоий муносабатларда иштирок этади<sup>9</sup>.

Шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати унинг ҳуқуқ ва бурчларини ифода қиладиган ижтимоий нормалар билан белгиланади. Ҳуқуқий нормалар билан белгиланган жамият ва шахс ҳамда давлат ва шахс

---

<sup>8</sup> Қаранг: Ўша жойда. – 76-б.

<sup>9</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ.–Т.: Ўзбекистон, 2001. – 117–118-б.

ўртасидаги муносабатлар, алоқалар шахснинг ҳуқуқий ҳолати ҳисобланади.

Давлат билан шахс ўртасидаги муносабатлар кишиларнинг бутун ҳаётини ўз ичига олади ва ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати тизимига олимлар фуқаролик, умумий ҳуқуқий лаёқат, кафолатлар, қонуний манфаатлар, юридик жавобгарлик ва ҳоказоларни киритадилар<sup>10</sup>.

Ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланган Конституциямизда жамият билан шахснинг, давлат билан шахснинг асосий муносабатлари ифодаланган бўлиб, ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида ҳам ўз аксини топган ва ривожлантирилган. Масалан, маъмурий ҳуқуқ фани шахснинг ҳуқуқий ҳолатидаги маъмурий мажбурлов чоралари тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни ўрганади. Маъмурий мажбурлов чоралари ижтимоий муносабатларда фуқароларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб хизмат қилади. Ички ишлар идоралари ходимлари жамоат тартибини таъминлаш жараёнида ҳуқуқий қоидаларга риоя қилмаганларни ҳуқуқ қоидаларига амал қилиш, тартибни сақлашга чақиради. Меҳнат ҳуқуқи фани эса шахснинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқий ҳолатидаги меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий таъминот, тартиб ва интизом тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни ўрганишни ўз ичига олади. Жиноят ҳуқуқи фани шахснинг ҳуқуқий ҳолатида жиноий жавобгарликка оид ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади.

Конституциявий ҳуқуқ эса шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиб туради, яъни жамият ва давлатнинг шахс билан муносабати фақат конституциявий нормаларда ўз аксини топади.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми – жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг йиғиндиси бўлиб, улар ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган юридик кафолатларга эга<sup>1</sup>.

---

<sup>10</sup> Қаранг: Права человека : Учебник для вузов / Отв. ред. член-корр. РАН, доктор юрид. наук Е. А. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 92.

Шахснинг ҳуқуқий мақомини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- 1) фуқаронинг умумий конституциявий мақоми;
- 2) муайян тоифадаги фуқаронинг махсус мақоми;
- 3) индивидуал мақом;
- 4) жисмоний ва юридик шахсларнинг мақоми;
- 5) ажнабийлар, фуқаролиги бўлмаган ёки икки фуқароликка эга бўлган шахслар мақоми;
- 6) тармоқ мақомлари – фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа мақомлар<sup>11</sup>.

Қисқача қилиб айтганда, шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ҳолати – унинг ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ҳолати, жамиятдаги, давлатдаги ўрнидир. Бу ҳуқуқий нормалар шахснинг жамият билан, давлат билан муносабатини, асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган асосий элементлардан бири, бу унинг фуқаро ёки фуқаро эмаслигидир. Чунки фуқаролик шахс билан давлат муносабатларига асос бўлади. Шахсларга бериладиган ҳуқуқ ва эркинликнинг ҳажми шахснинг шу давлат фуқароси ёки чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс эканлигига қараб белгиланади.

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг иккинчи элементи – шахснинг ҳуқуқий лаёқати. Ҳуқуқий лаёқат шахснинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштиради. Шахснинг ҳуқуқий лаёқатлилиги дейилганда, унинг маълум ёшга кирганлиги, саломатлиги, ўзининг хатти-ҳаракатлари учун жавоб бера олиши ва ўзини бошқара олишга қодирлиги тушунилади. Шундай қилиб, ҳуқуқий лаёқатнинг юридик маъноси фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун лаёқатли бўла туриб, уни бажармаганлик ёки нотўғри бажарганлик учун жавоб бера олишидир.

---

<sup>11</sup> Қаранг: Саидов А., Тоғжихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 422-б.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолатини янада аниқлаштирадиган элементлардан бири, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат билан шахс ўртасидаги муносабатга аниқлик киритади, шунга қараб давлатнинг демократик эканлиги билинади. Чунки давлат фуқароларига қанча кўп ҳуқуқ берса ва уларнинг эркинликларини таъминласа, бу давлат шунчалик демократик давлат ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, «демократия қадриятларини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни ўзи учун энг устувор қадрият сифатида танлади»<sup>12</sup>.

Шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини таъминловчи яна бир элемент – уларнинг ҳуқуқлари амалга оширилишининг кафолатидир. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқларини фақатгина қонунларда кўрсатиш билан чегараланмасдан, уни амалга ошириш кафолатини ҳам таъминлаши керак. Давлат бу ҳуқуқларни таъминлаш учун иқтисодий, сиёсий, ғоявий, юридик ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш кафолатларини кўзда тутди. Иқтисодий, моддий кафолатга республикадаги мулкнинг турли шакллари ва давлат бу мулкларни тенг кўриқлашини, сиёсий кафолатга – жамиятимизда кўппартиявийликка асос солинганлиги ва жамоат ташкилотларининг давлат ишларида янада кўпроқ иштирок этиши, юридик кафолатларга – Конституциянинг ўзида фуқаролар ҳуқуқларини амалга оширишнинг йўллари кўрсатилганлиги ва давлат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар зиммасига бу ҳуқуқларни таъминлаш юклатилганлиги ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун махсус органлар тузилганлигини киритиш мумкин.

Мустақилликка эришилгач Ўзбекистонда чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масаласига жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистонга ҳар йили турли мақсадларда

---

<sup>12</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 136-б.

кўплаб чет эл фуқаролари келмоқдалар. Бундан ташқари, бой тарихий меросимизни кўриш учун миллионлаб хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқдалар.

Бироқ хорижий фуқароларнинг юртимизга кўплаб кириб келиши натижасида улар билан боғлиқ турли ҳуқуқбузарликлар содир бўлаётгани ҳам сир эмас.

Давлат суверенитети принципларига асосан, ҳар қандай давлат чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини ўз белгилайди ва уларнинг мамлакатга кириб келиши ва чиқиб кетишини тартибга солиб туради.

Ўзбекистонда чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати Конституция ва қонунлар билан белгилаб қўйилган.

Демак, давлат ва индивидлар ўртасида вужудга келадиган мураккаб боғлиқликлар, кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари давлат томонидан юридик шаклда, яъни фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқий ҳолатини ташкил этадиган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тарзида намоён бўлади. Улар энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий категория бўлиб, жамиятнинг ижтимоий тизими, демократик даражаси ва қонунийлик ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир<sup>13</sup>.

Шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқловчи элементлар қаторига ҳуқуқий ҳолат асосида ётадиган принциплар ҳам киради. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, кенгроқ маънода гапирадиган бўлсак, шахснинг ҳуқуқий мақоми муайян принципларга таянади<sup>14</sup>. Бу принциплар давлат билан шахсларнинг ўзаро муносабатлари қандай асосларда амалга оширилиши кераклигини билдиради. Бу принциплар қуйидагилар: 1) инсонпарварлик; 2) жамият манфаати билан шахс манфаатининг мослашганлиги; 3) ҳуқуқ ва мажбуриятнинг умумийлиги, бирлиги ва тенглиги.

1. *Инсонпарварлик*. Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида алоҳида бобнинг мавжудлиги республи-

---

<sup>13</sup> Қаранг: Права человека: Учебник для вузов / Отв. ред. член-корр. РАН, доктор юрид. наук Е. А. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 91.

<sup>14</sup> Қаранг: Одиқориев Ҳ. Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарк, 2002. – 141-б.

камизда инсонпарварлик принципига амалга қилинаётганлигини кўрсатади. Давлатимизнинг бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланиши натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тан олиниб ёзилган халқаро ҳужжатларни Ўзбекистон ҳам имзолади. Республикамизда инсон ҳуқуқлари бўйича марказлар, институтлар, мониторинглар ташкил этилди.

*2. Жамият манфаати билан шахс манфаатининг мослиги принципи.* Шахс ижтимоий муносабатлар маҳсули экан, унинг манфаати жамият манфаати асосида шаклланади. Фуқаронинг шахсий манфаати унинг моддий ва маънавий талаби бўлиб, у шахснинг қобилияти ва бутун жамиятдаги фаолиятини ривожлантириш билан белгиланади.

Жамиятнинг манфаати эса мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, унинг ривожланиши учун хизмат қилади.

Ўзбекистон давлати фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини ифодалайди, бу манфаатларни ҳар томонлама қондириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилади, шахснинг ҳар томонлама камол топишига кўмаклашади.

*3. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумийлиги, бирлиги ва тенглиги* принципи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига татбиқ қилинганда ҳар бир фуқаро қонунда кўрсатилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши ва унда кўрсатилган мажбуриятларини бажариши, давлат жамиятнинг ҳар бир аъзосига бир хил ҳуқуқий имкониятлар яратиши, қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчлар ҳамма учун тенг бўлиши керак.

## **2. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизими ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустаҳкамланиши**

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакатимизда бир-биридан ажралган ҳолда қўлланилмайди. Чунки инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бир-бири билан ўзининг мажбуриятлари ва қонуний манфаатлари асосида боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Кишиларнинг қонуний манфаатлари деганда, шундай субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушуниладики, улар давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояга олинган бўлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг умумий ижтимоий асоси бўлган бу ҳуқуқ ва эркинликлар жамият ва жамият аъзоларининг ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизими ўз ички тузилишига эга бўлиб, ўз навбатида гуруҳ ва турларга бўлинади. Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг гуруҳ ва турлари ўзларича бир-биридан ажралмаган. Улар ўзаро боғлиқликда бўлиб, бу тизимда ўз ўринларига эгадирлар. Уларни гуруҳлар ва турларга бўлиш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизимини ҳар томонлама ўрганиб, тушуниб олишга ёрдам беради. Инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бир тизимда ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамият касб этиб, ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмуни ва шаклини чуқур ва тўла очиб беришга имконият яратади, уларнинг ижтимоий аҳамияти ва функцияларини кўрсатиб беради. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг айрим гуруҳ ва турлари инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндисини таҳлил қилишга ёрдамлашади, хусусан, ижтимоий фаровонликнинг ўзига хос хусусиятларини, маълум ҳуқуқларнинг юридик шаклларини мустаҳкамлайди. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизимини тўла тушуниб олиш уларни ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида кўпгина муаммоларни бартараф қилишга имкон беради.

Инсон ҳуқуқлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, «инсон ҳуқуқлари», «фуқаро ҳуқуқлари», «инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари», «инсоннинг асосий (фундаментал) ва бошқа ҳуқуқлари», «индивид ҳуқуқ» ва «коллектив ҳуқуқ»лардан иборат. Инсон ҳуқуқлари вужудга келишига кўра («инсон ҳуқуқлари авлоди»), ҳаётий фаолият соҳасига кўра – шахсий (фуқаровий) ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқ ва эркинликларга бўлинади<sup>15</sup>.

---

<sup>15</sup> Қаранг: Права человека: Учебник для вузов / Отв. ред. член-корр. РАН, доктор юрид. наук Е. А. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 132.



Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари турларини ҳар хил таснифлаш таклиф қилинади. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган инсон, у Ўзбекистон фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс эканлигига қараб, маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Ўз ўрнида кўрсатиб ўтилган категорияларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ва соҳаларга бўлиб таснифлаш мумкин. Улар, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, шахсий, шунингдек умумий ва махсус ҳуқуқларга бўлинади. Шунинг учун ҳам инсонлар ҳуқуқ ва эркинликлари тизими кўрсатиб ўтилган гуруҳ ва турларда ўзаро чамбарчас боғлиқликда бўлади.

Шахс ҳуқуқий мақомига оид янги Конституциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, у конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби сифатида ҳар бир конкрет инсонни тан олади<sup>16</sup>.

Ўзбекистонда фуқароларнинг, чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий ҳамда соҳавий ҳуқуқ ва эркинликларга бўлинади. Инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари асосан улар жамият ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни белгилаб беради. Бу муносабатлар шахснинг жамиятдаги ўрни билан изоҳланади.

Инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ билан соҳавий ҳуқуқ ва эркинликлари ўзаро боғланган. Бу боғлиқлик шунда ифодаланадики, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари соҳавий ҳуқуқ ва эркинликлар учун юридик асос ҳисобланади. Ўз навбатида соҳавий (жорий) қонунларда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини аниқлаштиради. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар жорий қонунларни аниқлаштириш, тўлдириш ва ривожлантириш, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

---

<sup>16</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарк, 2002. – 138-б.

Шахс ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- 1) конституциявий ҳуқуққа эгалик (ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати);
- 2) шахс ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг принциплари;
- 3) фуқаролик;
- 4) шахс ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари;
- 5) конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш кафолатлари.

Шахс ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг принциплари – шахс ва фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга мос бўлган омил, раҳбарий ғоялар йиғиндиси<sup>17</sup>.

Инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқи деганда меҳнат фаолиятида ишлаб чиқаришда иштирок этиши ва жамият аъзолари учун маълум бир фойда келтиришда қатнашиши тушунилади. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига Конституцияда белгилаб қўйилган меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар, шунингдек қатор соҳавий ҳуқуқлар кирадики, улар конституциявий ҳуқуқларни тўлдиради.

Инсонларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига Конституцияда белгилаб қўйилган давлат ишларида қатнашиш ҳуқуқи, партияларга ва жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи, қонунларни қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқи, сайланиш ва сайлов ҳуқуқи, сўз эркинлиги ҳуқуқи, намоёнларда қатнашиш ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Шахснинг маданий (ижтимоий-маънавий) ҳуқуқ ва эркинликлари инсонларнинг алоҳида ҳуқуқ турларидан бири ҳисобланади. Маданий ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига таълим олиш ҳуқуқи, маданият

---

<sup>17</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тўлтеев И. Т., Мухамедов У. Ҳ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 192-б.

ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, бадиий, илмий, техник ижод эркинлиги ва бошқа конституциявий ҳуқуқлар киради.

Субъектнинг шахсий ҳаёт соҳаси унинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан белгиланади. Улар фуқарога шахсий фаровонликни тақдим этади. Конституция ва жорий қонунлар Ўзбекистон фуқароларига қуйидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди: ўзининг кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, шахсий эркинлик, шахснинг дахлсизлиги ҳуқуқи, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ёзишмаларини сир сақлаш ҳуқуқи, оила-никоҳ соҳасидаги муносабатлар, виждон эркинлиги ва бошқалар.

Фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар ичида инсоннинг ички маънавий дунёсига, унинг руҳиятига алоқадор бўлмиш виждон ва эътиқод эркинлиги алоҳида эътиборга молик. Инсон ўз дунёқарашини, эътиқоди, ахлоқи ҳамда маънавиятини ҳеч кимнинг тазйиқисиз, айниқса, зўравонлигисиз ўзи танлаб олиши лозим. Унинг хоҳиш-иродаси ҳурмат қилиниши шарт. Давлатимизнинг виждон эркинлиги борасидаги нуқтаи назари ана шу қоидадан келиб чиқади<sup>18</sup>.

Юридик адабиётларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таснифлашда (классификация қилишда) бир қарорга келинган эмас. Гап инсонларнинг қуйидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳақида бормоқда, яъни инсонларнинг яшаш ҳуқуқи (Конституциянинг 24-моддаси), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда) ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи (27-модда), судда айбланаётган шахсларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи (26-модда). Инсонларнинг бу ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциянинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланган VII бобига киритилган. Лекин шу нарса ҳам муҳимки, кўриб ўтилаётган ҳуқуқларнинг амалга оширилишидан фақат фуқаролар эмас, балки давлат ҳам манфаатдор. Масалан, фуқароларнинг сайлаш ва

---

<sup>18</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарк, 2002. – 146-б.

сайланиш ҳуқуқи (117-модда) бузилганда уни тиклаш умумдавлат иши ҳисобланади. Чунки бунда фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига зарар етади, демак давлат ҳам ижтимоий зарар кўради.

Фуқароларга жуда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши рағбатлантирилган тақдирдагина мамлакатимизни янгилаш ва тараққий эттиришга эриша оламиз<sup>19</sup>.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини умумий ва махсус гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Умумий ҳуқуқ ва эркинликларга фуқароларнинг шундай конституциявий ва жорий ҳуқуқ ва эркинликлари кирадики, бунда уларнинг ижтимоий, хизмат, оилавий аҳволи, тили фарқ қилмайди (масалан, меҳнат, дам олиш, таълим олиш, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги ва ҳоказо).

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг махсус (ўзига хос) гуруҳи шахснинг жамиятда тутган ўрнига боғлиқ бўлади. Бунга мисол қилиб ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқлари, нафақахўрлар, мансабдор шахслар, аёллар, болалар, озодликдан маҳрум қилинган шахслар, хизматчилар ва ҳоказоларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўрсатиш мумкин. Ҳуқуқнинг бундай турлари одатда фуқаронинг умумий ҳуқуқ ва эркинликларини келтириб чиқаради ва аниқлаштиради.

Масалага бундай ёндашиш фақат Ўзбекистон фуқароларига хос бўлибгина қолмай, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тааллуқлидир. Масалан, Ўзбекистонга келган чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини уларнинг қандай мақсадда келганларига (доимий яшашга ёки вақтинча), қайси гуруҳга тегишли эканлигига (дипломат, консул, турист) ва бошқа хусусиятларига қараб бўлиш мумкин. Умуман олганда, чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатидан тубдан фарқ қилади. Бу табиий, чунки чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати халқаро нормалар билан ҳам тартибга солиниб туради.

---

<sup>19</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 188-б.

Яна шундай ҳуқуқлар борки, улар маълум тоифадаги шахсларнинг умумий (умумфуқаровий) ҳуқуқ ва эркинликларини ўз моҳиятига кўра чеклайди. Бундай ҳуқуқлар эҳтиёт чораси қўлланилган ёки жиноий жазо олган шахсларга нисбатан қўлланилади. Уларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 9-моддасида кўрсатилган. Ҳуқуқларни бундай тарзда чеклашлар суд ҳукмига кўра жиноий жазони ўтаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам қўлланилади.

Жиноий жазони ўтаётган шахсларда умумий ҳуқуқлар ўзгариб, махсус ҳуқуқлар пайдо бўлади. Хусусан, улар ўзлари танлаган мутахассислик бўйича меҳнат қила олмаслиги, дам олиш, яъни меҳнат таътилига чиқа олмаслиги ва қисқартирилган иш кунларидан фойдалана олмаслиги мумкин. Яна улар уй-жой ҳуқуқи, сиёсий эркинликларга эга бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, озодликдан маҳрум этилган шахслар фақат ўзларига тааллуқли бўлган ҳуқуқларга, масалан: қариндош-уруғлари билан учрашиш ҳуқуқи, жўнатмалар, озиқ-овқат олиш, хат ёзиш ҳуқуқи ва ҳоказоларга эга бўладилар.

Барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини оширишлари лозим. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўзларининг юридик фаолиятларида фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бугунги кунда энг долзарб масала сифатида кун тартибида турганлигини англаб етишлари керак.

Ўзбекистонда мустақилликка эришгач инсон ҳуқуқларига оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Республика Президенти эса шу давр ичида инсон ҳуқуқлари масалаларига бағишланган 80 дан ортиқ фармонга имзо чекди.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

*биринчиси*, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид, яъни виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар ва ҳоказо;

*иккинчиси*, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар – жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар ва ҳоказо:

*учинчиси*, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар – мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар ва ҳоказо;

*тўртинчиси*, маданий ҳуқуқларга оид қонунлар – фан, таълим, маданият, музейлар, кутубхоналар, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳоказо;

*бешинчиси*, инсон ҳуқуқларига оид кўп томонлама ва икки томонлама имзоланган халқаро ҳужжатлар ва ҳоказо.

### **3. Ўзбекистон Республикасида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг шахснинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада умумжаҳон ҳамжамияти нормаларига мос равишда барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлай оладиган, ватанпарварлик руҳига асосланган ҳуқуқий демократик давлат куриш дастур қилиб олинди. Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар шахс ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг асослари институтида марказий ўрин эгаллайди<sup>20</sup>.

*Субъектив ҳуқуқ* – шахснинг лозим даражадаги хулқ-атвори юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шакл ва нормалар. *Юридик мажбурият* эса шахснинг мажбурий хулқ-атворини юридик жиҳатдан мустаҳкамловчи шакл ва нормалардир.

Субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар табиатан турлича бўлиб, бу ҳолат инсон ўз ҳаётида дуч келадиган ижтимоий муносабатларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Субъектив ҳуқуқлар

---

<sup>20</sup>Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т., Мухамедов У. Ҳ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 198-б.

ва юридик мажбуриятлар ҳуқуқнинг (фуқаролик, жиноят, меҳнат, оила каби) турли соҳаларида мустаҳкамланган, уларнинг ҳар бири ўз предметини ташкил этувчи муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб беради. Бироқ ҳуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятларнинг умумий тизимида конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлар етакчи ўрин тутди<sup>21</sup>.

Мустақил давлатимизнинг қабул қилган барча қонунларига ҳақиқий ватанпарварлик руҳи сингдирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларидан бири инсонга ғамхўрлик қилишдир. Бу принцип ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги ҳаракатлар ва шароитларга кўпроқ даражада мос келувчи ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуини кафолатловчи ва овоза қилувчи принципдир. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, дейилган Конституциянинг 18-моддасида. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий тартибга солиниши ўзгармас ҳисобланиб, келажакда абадий қолади.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир янги ривожланиш босқичи, иқтисодий базасининг мустаҳкамланиши, демократиянинг ўсиб бориши ҳуқуқ ва эркинликлар динамикасининг ўзгариши учун, жумладан уларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш учун объектив шароит яратади.

«Ҳуқуқий давлат, – деган эди Ислоҳ Каримов, – бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»<sup>22</sup>.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг иқтисодий асосини кўрсатиш уларнинг маъно ва мазмуини аниқлашда расмий-ҳуқуқий

---

<sup>21</sup> Қаранг: Ўша манба. – 199-б.

<sup>22</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 44-б.

ёндашиш имконини беради. Шахс ҳуқуқ ва дахлсизлигининг иқтисодий шароити ва ижтимоий табиатининг таҳлили ҳуқуқ фанида «инсон ҳуқуқи» ва «фуқаро ҳуқуқи» атамаларини фарқлаш тўғрисидаги масаланинг қўйилишига асос бўлиб хизмат қилади. Бунда «инсон ҳуқуқи» ҳуқуқшуносларнинг илмий ишларида ижтимоий атама сифатида, фуқаро ҳуқуқида – сиёсий юридик атама сифатида баҳоланади.

Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

*биринчидан*, конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларсиз инсон ҳам, давлат ҳам нормал фаолият юрита олмайди, улар шахс ва давлат ўртасидаги ўта муҳим муносабатларни белгилайди. Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар давлатнинг асосий қонунида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади, бу билан улар олий юридик кучга ва давлатнинг ҳуқуқий муҳофазасига эга бўлади.

*иккинчидан*, конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган барча ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар учун юридик асос ҳисобланади, улар ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг у ёки бу соҳасида ўз аксини топади. Жумладан, инсоннинг турар жойга бўлган ҳуқуқидан уй-жой ҳуқуқи нормалари билан мустаҳкамланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар келиб чиқади<sup>23</sup>.

Умуминсоний ва миллий ҳуқуқ бирлигини таҳлил қилган профессор А. Х. Саидовнинг таъкидлашича, жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир инсон ҳеч ким эътироз билдирмайдиган маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир. Булар, давлат тузилишидан катъи назар, мустақил мавжуд бўлиб, ҳаётнинг оддий неъматларидан фойдаланишда инсонларнинг ижтимоий имкониятларини билдиради. Давлат

---

<sup>23</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т., Мухамедов У. Ҳ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 199-б.



томонидан ҳуқуқни бундай тан олиш фуқаролар ҳуқуқининг янги сифати ҳисобланади<sup>24</sup>.

Профессор У. Таджихановнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари умуминсоний категория бўлиб, ўзида, аниқ бир давлат тузилишидан қатъи назар, маълум бир ижтимоий неъматлардан шахсларнинг фойдаланиш имкониятларини англатувчи умумлашган, умумижтимоий тушунчаларни ифодалайди<sup>25</sup>.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинлиги, ижтимоий маъносига кўра, жамият манфаатларини қондириш учун ҳаётини неъматлар ва қадриятлардан унинг фойдаланиши ва эга бўлиши имкониятларини билдиради.

Шахснинг ҳуқуқий имкониятлари унинг юридик ҳуқуқлари шаклланиши ва аниқ мазмунига кўра белгиланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари объектив талаблар ва жамиятнинг ривожланиш даражасига қанчалик тўлиқ жавоб бера олса, неъматлар ва қадриятлардан фойдаланиш шунчалик аниқ бўлади.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши ҳуқуқ ва эркинликлар бузилиши ҳолатлари содир бўлганда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш учун нисбатан яхши амалий шароит яратиш билан белгиланади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллати ва этниқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир»<sup>26</sup>.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳокимиятга нисбатан фуқароларнинг қонуний манфаатлари қонун чиқарувчилар томонидан шакллантирилади. Ҳуқуқ ва эркинликнинг ижтимоий характери фуқаролар озодлигини қонунлаштириш йўли билан юридик шаклда

---

<sup>24</sup> Қаранг: Саидов А. Х. Права человека: единство общечеловеческого и национального. – Т., 1995. – С.5–15.

<sup>25</sup> Қаранг: Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. – Т., 1997. – С.127–128.

<sup>26</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 44-б.

Ўз аксини топади ва давлат ҳужжатлари ёрдамида талабларини кондириш учун шахсларга эркин ҳаракат қилиш имкониятларини кафолатлайди. Ижтимоий таъминланганлик ўзича юридик аҳамиятга эга бўлмайди, қачонки у юридик шакл берадиган ҳуқуқий қобикқа эга бўлсагина юридик аҳамият касб этади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ижтимоий таъминот ва унга мос юридик шаклнинг органик бирикмаси тарзида ўз-ўзини намоён қилади.

Ўзбекистонда мустақиллик шароитида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари мавҳум, декларатив, ёлғон юридик маънолардан халос этилган. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив ҳужжатларнинг мустаҳкам пойдеворига асосланади. Бошқача қилиб айтганда, давлатимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мавжуд бўлган аниқ кўрсаткичлар билан белгиланади. Булар реал ҳаётда фойдаланадиган, кафолатланган ижтимоий имкониятлар ҳисобланади<sup>27</sup>.

Республикада шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ижтимоий шартлари натижаси жамиятимиз ҳаётининг юридик акси бўлиб, демократия, иқтисод ва маданиятнинг юксалиш даражаси ҳақида муҳокама қилиш имконини беради.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак, – деб таъкидлайди Президентимиз Ислон Каримов. Сиёсий соҳада бу қуйидагиларни билдиради: озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш,

---

<sup>27</sup> Республикада фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида қаранг: Судебная власть права человека // Вестник Института СНБ Республики Узбекистан. – 1999. – № 1;

*Файзиев Р.* Развитие законодательства о правах человека // Тезисы докладов на семинаре ОБСЕ по вопросам человеческого измерения в Центральной Азии. – Алма-Ата, 1994. – С.34–36; *Рахмонқулов Х. А.* Инсон ҳуқуқлари: тарих ва ҳозирги замон. – Т., 1998. – 262-б.

давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол катнашиш керак<sup>28</sup>.

Бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш лозим. Бирорта ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши керак<sup>29</sup>.

Ўзбекистон Республикасида давлат, унинг институтлари, мансабдор шахслар фуқаролар олдида жавобгардирлар. Инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас ҳисобланади ҳамда уларни ҳимоя қилиш давлат томонидан қафолатланади.

Бизнинг мустақил давлатимизда шахснинг ҳуқуқий ўрни бора-сидаги назария муҳим хусусиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат ички, балки ташқи сиёсий омиллар билан боғлиқ эканлигини очиқ беради. Улар умумий тан олинган халқаро нормаларга мос келади, ташқи сиёсатимизнинг муҳим принципларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверенлиги ва тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади<sup>30</sup>.

Профессор А. Х. Саидовнинг ҳисобига кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолияти давомида 500 дан ортиқ ҳужжат ишлаб

---

<sup>28</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 44–45-б.

<sup>29</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 46-б.

<sup>30</sup> Халқаро ҳамкорлик тамойиллари ҳақида. Қаранг: БМТ Низоми. – 2-б.

чиққан ва қабул қилган. Улардан 80 дан зиёди инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган муҳим декларациялар, конвенциялар ва пактлардан иборат<sup>31</sup>. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, БМТнинг аъзоси, барча ҳужжатларининг фаол тарафдоридир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги халқаро ҳужжатларга бўлган муносабат у ёки бу давлатнинг шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолисини умум қабул қилинган ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминлашга чин дилдан ёндашувига объектив мезон бўлиб хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини юридик тартибга солиш масалаларини тўғридан тўғри ҳал қилиш давлатларнинг ички функцияларига тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган барча асосий ҳужжатларнинг ижобий томонларини қабул қилган. Республикамиз инсон ҳуқуқлари соҳасида кўпгина мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлик қилади. Бу Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган, қабул қилинган инсонпарварлик борасидаги бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бугунги кунга келиб республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли 40 дан ортиқ ҳужжат ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси умумжаҳон тан олган халқаро ҳуқуқ нормалари ва қабул қилинган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни сидқидилдан бажармоқда. Бунинг яққол мисоли Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш аниқ мустаҳкамланганлигидир. Асосий қонунимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги деярли барча принципал кўрсатмаларни қамраб олган.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлат ва фуқаролар бир-бирлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра ўзаро боғлиқдирлар. Суднинг

---

<sup>31</sup> Қаранг: Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўтказилган, инсон ҳуқуқларига бағишланган анжуманда сўзланган нутқ. – Т., 1997.

қарорисиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ва чеклаш мумкин эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари бошқа фуқаролар, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид келмаслиги кераклиги ҳақида бир неча марта, алоҳида таъкидлаб ўтган.

Кўрилаётган муаммонинг долзарб жиҳати шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини юридик таърифлаш ҳисобланади. Юридик адабиётларда унинг турли хил таърифлари мавжуд бўлиб, бу ушбу ижтимоий-ҳуқуқий кўринишнинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги билан асослантирилади.

Фикримизча, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакатнинг асосий қонуни билан тартибга солинувчи, мазмунига кўра демократик қадрият бўлиб, ҳар бир инсон ва фуқарога тегишли субъектив ҳуқуқлардир.

Ҳуқуқшунослик фанида шахснинг ҳуқуқи кўпинча субъектив ҳуқуқ деб аталади. Бу билан уларнинг индивидларга (субъектларга) тегишли эканлиги англашилади, объектив ҳуқуқдан манбаларда кўрсатилган ҳуқуқий нормалардан фарқи таъкидланади.

Шу маънода шахс ижтимоий ҳуқуқларининг бошқа турлари – маънавий, корпоратив (жамоат ташкилотларининг нормаларидан келиб чиққан), одатдаги (яъни кўзда тутилган одатлар) ва ҳоказолар субъектив (юридик) ҳуқуқ ҳисобланмайди.

Юридик энциклопедияда ҳуқуқ субъектига ҳуқуқ ва мажбуриятларга бевосита ёки вакил орқали эга бўлиш ва амалга ошириш қобилиятига қонуний равишда эга бўлган (жисмоний ва юридик) шахс деб таъриф берилади<sup>32</sup>.

«Субъектив ҳуқуқ» термини ҳуқуқшунослик фанида яна бир маънога эга. Бир қатор олимлар, ҳуқуқшунослик фани соҳаларининг намояндалари субъектив ҳуқуқ деб, фақат фуқароларда мавжуд

---

<sup>32</sup> Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, проф. У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарк, 2001. – 650 б.

бўлган ҳуқуқларни, яъни юридик далиллар мавжуд бўлганда шахслар томонидан эгалланган ва татбиқ қилинадиган ҳуқуқларни тан оладилар.

Шахснинг ҳуқуқи деганда, кўпинча унинг мумкин бўлган ёки тақиқланмаган хулқ-атвори тури тушунилади<sup>33</sup>.

Ҳар қандай субъектив ҳуқуқ уч имконият бирлигидан иборат бўлади:

– эганинг ўзини тутишидаги маълум имкониятлар (уларнинг турлари ва чоралари);

– бошқа жавобгар шахсларнинг тегишли хулқ-атворини талаб қилиш имкониятлари (маълум ҳаракатларни амалга ошириш ёки аксинча, ҳаракатдан ўзини тийиш);

– зарур ҳолларда тегишли идораларни ҳамкорликка чорлаш имкониятлари.

Шахс ўз ҳуқуқлари асосида ҳар доим қулайликка интилади. Қулайликлар инсон учун зарур бўлиб, унинг манфаатлари учун хизмат қилади. Ижтимоий қулайликлар инсонларнинг ўз меҳнати асосида барпо қилинадиган ижтимоий қадриятлар билан тавсифланади. Шундай қилиб, ҳуқуқ инсонларнинг интилишидаги объектларга мосланади. Булар моддий, маънавий ва шахсий қулайликлар бўлиб, улардан фойдаланиш имконини беради. Қулайликларга эришишда ҳуқуқ субъектининг ҳаракатларини узлуксиз равишда фаоллаштириш кўзда тутилади. Кўп ҳолларда масъул шахслар ҳам фаол ҳаракат қилишлари лозим.

Ижтимоий қулайликларни яратиш, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишда моддий таъминланганлиги, юридик мустаҳкамланганлиги ва кафолатланганлиги билан шахснинг ҳуқуқини

---

<sup>33</sup> Қаранг: *Таджикханов У., Саидов А. Х.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – 113-б; *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси. Т. 2. – Т., 1998. – 114-б; *Саидов А. Х., Таджикханов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 421 б.

аниқлаш мумкин. Шахснинг ҳар қандай ҳуқуқи унинг маълум бир эркин ҳаракатларини назарда тутати.

Ҳар қандай эркинлик бир вақтнинг ўзида шахснинг ҳуқуқи ҳисобланади. Сўз эркинлиги фуқаронинг ҳуқуқи бўлиб, ўзининг фикр, мулоҳаза ва қарашларини эркин билдириш демакдир.

Фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги фуқаролар томонидан ҳам яқка тартибда, ҳам жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонунида<sup>34</sup> белгиланганидек, сиёсий партия жамият маълум қисмининг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этадиган фуқароларнинг кўнгилли бирлашмалари бўлиб, қонуннинг учинчи моддасига кўра, улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида тузилади ва ҳаракат қилади.

Фикр ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи сўз эркинлиги, яъни уларни очик билдириш ва бошқа шахслар эътиборига етказиш орқали амалга оширилади. Сўз эркинлиги кўпинча оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни<sup>35</sup> асосида фаолият юритадилар. Бу қонун ҳар бир фуқарога ҳеч қандай цензурасиз сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларида чиқиш ҳуқуқи, ўз фикри ва эътиқодини ошкора билдириш ҳуқуқини кафолатлайди (2-модда).

Ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш фуқаронинг маълум бир ёшга етиши билан боғлиқ. Яъни шахс ўзининг ҳуқуқларидан тегишли тарзда фойдаланиш учун унга имкон берувчи етарли жисмоний ва интеллектуал сифатларга эга бўлиши лозим.

---

<sup>34</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – №2. – 36-м.

<sup>35</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – №1. – 10-м.

Ҳар қандай ҳуқуқни татбиқ қилиш учун қонунда кўзда тутилган юридик омиллар вужудга келиши зарур.

Шахснинг ҳуқуқи масаласи унинг эркинликлари муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир. Шахснинг эркинлиги ҳам алоҳида ҳолат, ҳам тан олинган ва ўзлаштирилган зарурат сифатида тушунилар экан, у ҳуқуққа асосланади, қонун шаклида мавжуд бўлади.

Бизнинг суверен (мустақил) республикамиз шароитида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари демократиялаштириш жараёнлари билан яқин алоқада бўлиб, унинг тизимига табиий равишда сингиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳкамловчи қоидадан бошланади (1-модда). Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг иродасини ифода этади. Фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳажмда таъминлаши мумкин<sup>36</sup>.

Демократиянинг ҳаётийлиги кўп томондан ҳуқуқий шаклларга, унинг билдирилиши ва мустаҳкамланишига боғлиқ, шунингдек фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқлиги уни жорий қилиш кафолатларига боғлиқ бўлади. Шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг мустаҳкамлиги демократиянинг мустаҳкамлигини англайди, уларнинг ривожланиши эса бир вақтнинг ўзида демократиянинг ҳам ривожланишини билдиради. Бунинг учун «биринчилар қаторида яна ва яна бир бор одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш»<sup>37</sup> керак.

---

<sup>36</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т., Мухамедов У. Ҳ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 121-б.

<sup>37</sup> *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 155-б.



# ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

## 1. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашда ички ишлар идораларининг ўрни

Ички ишлар идоралари фуқароларнинг мулкдор бўлиши, меҳнат қилиши, дам олиши, ижтимоий таъминот, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш каби конституциявий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан фойдаланишларида яқиндан кўмаклашадилар ва уларни ҳаётга жорий этишда қатнашадилар.

Ички ишлар идораларининг мазкур йўналишдаги фаолияти доимо ривожланиб ва такомиллашиб бормоғи лозим. Бу борада давлатимиз раҳбари ҳам ўз нутқларида ички ишлар идоралари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати бўлмоқлари лозим, деб таъкидлаган<sup>38</sup>.

Ички ишлар идоралари меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашда кўмаклашадилар, ўзларининг асосий иши бўлган жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатнашадилар. Чунки фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларининг бузилиши ёки камситилиши жиноят содир этилишига ёхуд бошқа ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин.

Шу боис ички ишлар идораларининг фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдаги иштирокини кўриб чиқамиз.

Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи (Конституциянинг 37-моддаси) фуқароларга эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароит-

---

<sup>38</sup> Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.* – Т., 1999. – 28-б.

ларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишни кафолатлайди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ишга қабул қилишни ғайри-қонуний равишда рад этишга йўл қўймайди (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддаси). Агар фуқаро қонунларда кўрсатилган тартибда ишга қабул қилинмаса, унда ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг тутган йўли тўғри бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддаси қариндош-уруғларни давлат корхонасида бирга хизмат қилишини чеклайди. Демак, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари, башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини тақиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига кўра, фуқаролар суд ҳукмига асосан маълум бир мансабни эгаллаши ёки маълум бир фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилиши мумкин. Демак, суд ҳукмига асосан бундай фуқароларни ишга қабул қилиш тақиқланади<sup>39</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225-моддасига асосан, меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости қон ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Шунинг учун ҳам аёллар бундай ишларга қабул қилинмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасида белгиланишича, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа шунга ўхшаш ишларда фойдаланиш тақиқланади. Бундай ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлмаган оғир юклар меъерини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат

---

<sup>39</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 21-б.

вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди<sup>40</sup>.

Фуқароларни ишга қабул қилишда асосли рад этишнинг бошқа ҳоллари ҳам учрайди (масалан, махсус билим ва махсус тайёргарлиги бўлмаган шахсларни махсус ишларга – ҳайдовчиликка, электромонтёрликка ва ҳ.к.).

Аммо биз амалиётда фуқароларни ишга қабул қилишда асоссиз рад этиш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бундай рад жавобларни асосан жиноий жазони ўтаб келган шахслар, тарбияси оғир бўлган, яъни вояга етмаганлар инспекциясида ҳисобда турадиган ёшлар ва узоқ вақт ишламай юрганлар ва ҳоказолар олишади. Рад этишда бўш жойлар йўқлигини рўқач қилишади, ҳолбуки корхоналар, муассасалар кадрга муҳтож бўладилар. Бундай вазиятда муассаса раҳбарлари ортиқча эҳтиёткорлик кўрсатадилар.

Профилактика фаолияти билан ИИВдаги барча хизматлар шуғулланади, лекин алоҳида, мустақил Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ҳам мавжуд<sup>41</sup>.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташдан озод этилган шахсларни ишга жойлаштиришда ИИБларининг профилактика инспекторлари яқиндан ёрдам берадилар. Бунинг учун профилактика инспекторларига қуйидагилар тавсия этилади:

– озод этилган шахснинг ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиб, унинг маълумоти, касбий тайёргарлиги, меҳнат стажи ва соғлиғи ҳақида маълумотга эга бўлиш;

– озодликдан маҳрум бўлгунга қадар ишлаган жойига ишга жойлаштириш имконияти бор-йўқлигини аниқлаш (ишга жойлашаётган шахснинг розилигига асосан);

---

<sup>40</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 1999. – 105-б.

<sup>41</sup> Қаранг: *Миренский Б. А., Раҳмонқулов А. Х., Чинибаев Ҳ. Ж.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 115-б.

– шахсни ишга жойлаштириш имкониятларини корхона, ташкилот раҳбарлари билан келишиб, белгилаш;

– корхона, ташкилот, муассаса раҳбари шахсни ишга олишни рад этганида, бу жавобнинг асосли эканлигини текшириш ва уни ишга жойлаштириш чораларини кўриши керак.

Шундай қилиб, ички ишлар идораларининг озодликдан маҳрум қилинган шахсларни озодликка чиққанидан кейин ишга жойлаштиришдаги роли беқиёсдир.

Озодликдан маҳрум этилганларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш эса жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятларига киради. Бу мажбурият Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 27-моддасида кўрсатилган<sup>42</sup>. Шахс озодликдан маҳрум бўлмаган ҳолда мажбурий меҳнатга жалб қилинса, ўз мутахассислиги бўлмаган тақдирда, ишга жойлаштириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 38-моддасига биноан, ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 8-боби фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқининг кафолати ҳисобланади (126–152-моддалар).

Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқини таъминлашда ички ишлар идораларининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати (ЙҲХДХ), Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси (ҲООББ) тергов бўлинмалари муҳим вазифаларни бажаради.

Ҳайдовчиларнинг дам олиш ҳуқуқи бузилиши натижасида (яъни уларнинг кўпчилиги белгиланган 12 соатдан кўпроқ рулда бўладилар) йўл ҳаракатига хавф туғилади. Йўл ҳаракати ҳодисаларининг катта қисми меҳнат тақсимотининг нотўғри ташкиллаштириш натижасида содир этилади.

---

<sup>42</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 13-б.

Автомобиль йўлларидаги ҳолатларни ва йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, автотранспорт корхоналарида ҳайдовчиларнинг иш вақтини тартибга солиш, меҳнат ва дам олишини тўғри ташкил қилиш, нормадан ташқари ишларни назорат қилишда корхона раҳбарларининг масъулиятсизлиги кўзга ташланади. Иш вақтини нотўғри йўлга қўйилганлиги йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаби саналади.

Ёшларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлашда профилактика инспекторларининг ўрни беқиёсдир. Улар ўзлари назоратга олган ёшларнинг меҳнати ташкил этилишини назорат қилишда қуйидагиларга эътибор қаратишлари керак:

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун иш кунининг қисқартирилмаганлиги (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 242-моддаси);

– ўн саккизга тўлмаган ёшларнинг дам олиш кунларида ҳам меҳнатга жалб этилганлиги (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 245-моддаси);

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнат таътилининг кам берилиши (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 249-моддаси) ва бошқалар.

Ёшларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларининг камситилиши уларнинг дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади. Корхона, муассаса ва ташкилотлар маъмурияти томонидан ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши ёшларнинг қонунларга бўлган ҳурматини йўқотади, адолатга бўлган ишончига путур етказди ва меҳнат интизоми бузилишига, шунингдек бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келади. Шунинг учун профилактика инспекторларига ана шундай меҳнат ҳуқуқи бузилиши фактлари аён бўлса, улар бу камчиликларни тугатиб, ёшларга берилган ҳуқуқларни тиклашлари лозим. Бунда профилактика инспекторларига корхона, муассаса, ташкилотларнинг касаба уюшмалари ёрдам берадилар.

Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар бир шахс малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, деб ёзиб қўйилган. Бундан

келиб чиқадиган бўлсак, барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш эса иш берувчининг мажбуриятига киради<sup>43</sup>.

Иш берувчи меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар ва бошқаларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилишлари шарт. Фуқароларнинг соғлиғини ҳимоялаш ҳуқуқини таъминлаш ички ишлар идораларининг ЙХХДХ бўлимлари ходимлари томонидан ҳам амалга оширилади. Бу ишни ЙХХДХ ходимлари автотранспорт корхоналари ёки автомобиль транспорти мавжуд ҳар қандай корхонада бажаришлари мумкин.

ЙХХДХ ходимлари минглаб автомашиналарнинг тормозлари, бошқарув рули, чироқларининг носозликларини аниқлайдилар ва кўпгина автоҳалокатларнинг олдини оладилар. Бунинг натижасида кўплаб ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинади.

Тошкент тиббий экспертиза илмий-текшириш марказининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигидаги автоҳалокатларнинг 38 % автомобиль ва тракторларнинг тормози носозлиги, 26 % эса автомобиль ёритиш чироқларининг носозлиги туфайли келиб чиқмоқда.

Шундай қилиб, Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходимлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, ҳайдовчиларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини, соғлиғини ҳимоялашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Юқорида келтирилган фикрларга таяниб, ички ишлар идоралари ўзларининг асосий вазифалари – жамоат тартибini сақлаш, жиноятчиликка қарши курашдан ташқари, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоялаш ва таъминлашда ҳам бевосита иштирок этадилар.

---

<sup>43</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.– Т.: Адолат, 1999.– 92-б.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларга мулкдор бўлиш ҳуқуқини беради ва қонун билан кафолатлайди (53-модда). Мулкдор мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади (54-модда).

Мулк ҳуқуқини кўриқлашда ички ишлар идоралари фаолиятининг ўзига хос жиҳати шундаки, ички ишлар идоралари ходимлари фуқаролик ёки оилавий ҳуқуқ нормаларини қўллашда бевосита иштирок этмайди, балки билвосита қатнашади. Масалан, уй-жойдан кўчириш ҳақида суд ҳукми бўлса, профилактика инспектори кўчиришда иштирок этади ёки топиб олинган буюм ички ишлар идоралари томонидан унинг эгасига қайтарилиши мумкин<sup>44</sup>. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари фуқаролар билан шартномалар асосида уларнинг хонадонларини кўриқлаши мумкин. Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ходимлари ов қуролларини сақлаш, ҳисобга олиш, назорат қилишда ҳам иштирок этадилар ва ҳоказо

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқи шундай ҳуқуқлардан биридир<sup>45</sup>.

Мулк ҳуқуқи қуйидагиларни назарда тутади:

- қонунда белгиланган нарсаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф қилиш имконияти;
- шахсий фойдаланишда бўлган нарсаларнинг мерос тарзида ёки қонунда кўрсатилганидек бошқа шахсларга ўтиши.

Фуқароларнинг эгалигида шахсий истемол, ёрдамчи хўжалик буюмлари, уйлар, дўконлар, кичик заводлар, фабрикалар, пул жамғармалари ва бошқалар бўлиши мумкин. Сўз юритилаётган ҳуқуқни батафсил тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ко-

---

<sup>44</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 1999. – 86-б.

<sup>45</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 11-б.

дексининг нормаларида мужассамлашган. Мулкнинг моҳияти учта ҳуқуқда ўз ифодасини топган: мулкдорнинг ўз мулкига эгалик қилиш, қонунда белгиланган нарсаларни тасарруф этиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқи.

Бу ҳуқуқлар қуйидаги воситалар билан ҳимоя қилинади.

1. Мулк эгаси ўз мулкини ҳар қандай бегона шахс тасарруфидан қайта талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мулк мулкдор ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотилган, ўғирланган, унинг ихтиёридан ўзга йўл билан эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли. Пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас<sup>46</sup>.

2. Мулк эгаси ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, башарти бу ҳуқуқбузарлик мулк эгалигидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилишга ҳақли<sup>47</sup>.

Ушбу ҳуқуқдан келиб чиқиб, мулкдор таклиф қилинмаган ҳар қандай шахсдан ўз хусусий мулкидан (ер участкаси, уй, дала ҳовли, автоулов) чиқиб кетишини талаб қилишга ҳақли. Бу талабга бўйсунмаслик фуқароларнинг хусусий мулкини ҳимоя қилувчи ички ишлар идораларига мурожаат қилиш учун асос бўлади.

3. Фуқаро ёки юридик шахснинг мулкига етказилган зарар, ушбу зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ қопланиши шарт.

Мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг юқорида санаб ўтилган фуқаровий-ҳуқуқий шакллари (усуллари) мулк эгаси ҳуқуқларининг ҳар қандай субъект билан бўладиган муносабатида қўлланилади. Чунки фуқаролик ҳуқуқининг асосий хусусиятларидан бири барча муносабатлар иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигидир.

---

<sup>46</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 1999. – 229-м.

<sup>47</sup> Қаранг: Ўша жойда.



Ички ишлар идоралари фаолиятида мулкый зарарни ундириш қоидалари бошқача кўринишга эга. У жиноий, маъмурий жазо тўғрисидаги ишларни тергов қилиш ва ҳал этиш билан боғлиқ. Қонунга хилоф ҳукм, жавобгарлик, қамоққа олиш, маъмурий жазо бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура идоралари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Бу шуни англатадики, кўрсатилган ҳолатларда зарар, у етказилган сабаблардан қатъи назар тўла ундирилиши керак. Бунда суриштирув, тергов ўтказган шахснинг эҳтиётсизлиги, эътиборсизлиги, етарлича малакага эга эмаслиги, тажрибасизлиги, инсофсизлиги ёки касбий тайёргарлигининг пастлиги, қонунни етарлича мукаммал билмаслиги, тергов хатолари каби ҳолатларнинг етказилган зарарни тўлаш учун аҳамияти йўқ.

Давлат жиноий ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш жараёнида ноқонуний ҳаракатлардан зарар кўрган фуқарога мулкый зарарини тўлаш жавобгарлигини ўз зиммасига олади. Бироқ жиноят-процессуал фаолиятнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, кўпинча шундай ҳолат юзага келадики, мансабдор шахсларнинг ҳаракатини ноқонуний деб бўлмайди. Лекин айбланувчига мулкый зарарни тўлаш учун асослар яққол мавжуд бўлади. Масалан, холислар муайян шахсни жиноят содир этган деб кўрсатишади. Бунда ушбу жиноят учун бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилиши мумкин бўлади ва шу асосда фуқаро ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланади, сўнгра терговчи томонидан прокурор санкциясига кўра ҳибсга олинади. Бундай ҳолатда суриштирув ўтказган ички ишлар идоралари ходимини ҳам, унинг ҳаракатини назорат қилган ички ишлар идораларининг бошлиғини ҳам, терговчини ҳам ноқонуний чора кўрганликда айблаб бўлмайди. Чунки бундай ҳолатда жиноят-процессуал қонун талаблари аниқ бир шахс томонидан бузилган деб бўлмайди. Фуқарога ички ишлар органи ходимининг ҳаракати натижасида етказилган

зарар, мансабдор шахслар айбининг даражасидан қатъи назар, тўланади. Бунда оқловчи ҳукм, жиноят ишининг тўхтатилиши ёки фуқаронинг жиноятда иштироки исботланмаганлиги каби шароитларнинг аҳамияти йўқ. Фуқарога зарар етказган жиноят-процессуал ҳаракатларнинг ноқонунийлигини муҳокама қилиб ўтириш талаб қилинмайди. Етказилган зарарни қоплаш учун шахсни айбдор эмас деб топиш факти мавжудлигининг ўзи, яъни фуқаронинг реабилитация қилиниши етарли.

Қайд этилганидек, жинойий жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олиш кабиларнинг зарарни ундириш учун аҳамияти йўқ. Шу муносабат билан мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилганликлари, хизмат вазифаларига эҳтиётсизлик билан қараб, ёмон муносабатда бўлганликлари, етарлича касбий билимга эга бўлмаганликлари, жиноят ишидаги ҳолатларнинг чалкашлиги кабилар юридик жиҳатдан бир хил мазмун касб этади. Айбсиз шахсга зарар етказилдими, демак бундай зарар ҳеч қачон на ахлоқий, на юридик томондан ўзини оқламайди ва муайян сабаблардан қатъи назар тўланиши шарт.

Фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириш ва етказилган зарарни қоплаш учун чоралар кўриш зарар етказган ва фуқарони реабилитация қилган орган (жиноят ишини тўхтатган ёки оқлаш ҳукмини чиқарган орган)нинг ишидир. Бу мажбурият аввало шу билан бажариладики, айбсиз шахсга, агар у вафот этган бўлса, меросхўрига ва васийлигидагиларга ишнинг тўхтатилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки оқлаш ҳукми, ишнинг тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарор (ажрим) билан бирга, зарарни ундириш тартиби кўрсатилган белгиланган шаклдаги баённома юборилади.

Айбсиз жабр кўрган фуқаронинг мулкӣ ҳуқуқини тиклашнинг кейинги тартиби, ундирилиши керак бўлган зарарнинг нимада намоён бўлишидан келиб чиқиб, фарқланади.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан мулк ҳуқуқи мамлакат Конституцияси ва инсон ҳуқуқларининг бошқа асосий манбаларида мустаҳкамланиши масалаларини ўрганиш катта

илмий аҳамиятга эга. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофаза этилиши давлат идоралари, жумладан ички ишлар идоралари томонидан қай тарзда амалга оширилаётганлигини билиш ҳам жуда муҳимдир.

Фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан жиноят содир этишда гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуқлари билан боғлиқ нормаларнинг бажарилишини ижобий томонга ўзгартириш учун Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш керак бўлади. Чунки амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, ушланган шахс ўша вақтдан бошлаб, ўзининг қонун билан қўриқланадиган барча ҳуқуқлари, жумладан ҳимоя ҳуқуқлари билан батафсил таништирилмайди.

## **2. Фуқароларнинг шахсий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари амалга оширадиган вазифалар**

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари унинг фаровонлигини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлигини кафолатлайди. Уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

– инсоннинг шахсий хавфсизлигини таъминлайдиган ҳуқуқлар, яъни яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси). Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас (25-модда);

– инсоннинг шахсий фаровонлик ва оилавий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқи. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан

кечириши, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (27-модда);

– инсоннинг ахлоқий ва маънавий ҳаёти дахлсизлигини таъминловчи ҳуқуқлар. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқга эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга (29-модда). Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди (31-модда).

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишларида тўсқинликка учраганларида ички ишлар идоралари ходимлари ёрдамга келади.

Шахс дахлсизлиги – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ҳуқуқларидан бири. Аммо қонунда кўрсатилган ҳолларда шахснинг дахлсизлиги ҳуқуқини чеклашга тўғри келади. Бундай чеклашни амалга ошириш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юклатилган. Қонун фуқароларнинг эркинликларини чеклайдиган ҳолатларни тартибга солиб туради. Булар фуқароларни ҳибсга олиш, қамоқда сақлаш, ушлаб туриш, мажбурий олиб келиш чоралари қўлланилганда ўз ифодасини топади. Бундай мажбурлов чоралари ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади.

Фикримизча, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жаҳон андозаларига мувофиқ таъминлаш учун қонунчилигимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим. Энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги «ушланган шахс» тушунчасига аниқлик киритиш керак. Халқаро ҳуқуқда шахснинг эркин ҳаракат қилиш имконияти чеклангандан бошлаб, у ушланган шахс ҳисобланади. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам шундай тартибда «ушланган шахс» тушунчасига таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ноқонуний равишда ушлаб туришларнинг олдини олиш механизмларини мустаҳкамлаш сифатида Жиноят-процессуал кодексига

«Хеч ким суднинг қарорисиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», деган нормани киритиш керак бўлади.

Фуқароларнинг шахсий ва оилавий ҳаётини ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосан икки йўналишда олиб борилади: фуқароларнинг оилавий ҳаётига четдан аралаштиришга йўл қўймаслик ва шахсий ҳаётига оид маълумотларни тарқатмаслик қоидаларига риоя этиш.

Тергов ва суриштирув пайтида фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади. Ички ишлар идоралари ходимлари бу қоидадан бузсалар, юридик жавобгарликка (интизомий, жиноий жавобгарликка) тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 271, 353-моддаларида суриштирув ва тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов тизимидаги энг муҳим муаммолардан бири – ушлаб туриш ва ҳибсга олишнинг мукамал механизми ишлаб чиқилмаганлигидир. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида тергов-суриштирув ишларини жиноят-процессуал қонунлар асосида олиб бориш ва ҳибсда сақлаш муддатларини бузмаслик ҳамда бу жараёнда қонунийликка қатъий риоя қилиш ички ишлар идоралари тергов фаолиятига тааллуқли қуйидаги стратегик йўналишларни белгилаб олишга ундайди.

*Биринчидан*, гумон қилинувчиларни ушлаб ҳуқуқ-тартибот идораларига келтириш жараёнини тартибга солиш; *иккинчидан*, процессуал тартиб-қоидаларни гумон қилинувчи иштирокида ўтказиш; *учинчидан*, қийноқларнинг қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаатни, керак бўлса, жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳолисона текширилишини таъминлаш; *тўртинчидан*, ички ишлар идоралари фаолиятининг транспарентлигини таъминлаш; *бешинчидан*, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш<sup>48</sup>.

---

<sup>48</sup> Қаранг: Шарафутдинов А. О. Дастлабки тергов фаолиятининг стратегик йўналишлари // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2005. – № 2. – 45–46-б.

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари фаолиятини ЖПКнинг бир қанча моддалари тартибга солиб туради. Масалан, инсонларнинг шахсий, жинсий, маиший ҳаётига оид тергов ҳаракатлари, яъни тинтув фақат прокурорнинг санкциясига кўра, терговчи ёки суриштирув идораларининг қарорига асосан ўтказилади (ЖПКнинг 161-моддаси). Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясисиз ҳам ўтказилиши мумкин, лекин бу ўтказилган тинтув ҳақида прокурорга 24 соат ичида хабар қилинади.

Ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар инсоннинг шахсий ҳаётига оид муҳим маълумотларга эга бўлади. Шунинг учун фуқаролар мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролардан ўзлари ҳақида олинган маълумотларни ошкор қилмаслигини сўрашга ҳақлидир.

Фуқароларнинг бу ҳуқуқларини таъминлашда ЖПКнинг 166, 170-моддалари асос бўлиб хизмат қилади. Чунки почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва телефон сўзлашувлари сирларидан воқиф бўлиш жиноят ишини тергов қилиш учун зарур бўлганда ва, албатта, прокурор санкцияси асосида амалга оширилади. Олинган маълумотларни ички ишлар идоралари ходимлари сир сақлашлари керак. Акс ҳолда улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 143-моддасига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йиллик ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фуқароларнинг турар жойларига рухсатсиз кириш ҳам уларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини бузишга киради. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖКнинг 142-моддаси), аммо ички ишлар идоралари ходимлари жиноят ишига доир ашёларни олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш учун қонунда белгиланган тартибда фуқароларнинг рухсатсиз уларнинг турар жойларига киришга ҳақлидирлар (ЖПКнинг 101-моддаси).

Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини амалга оширишда қуйидагилар қонунийликнинг қафолатлари ҳисобланади:

- 1) тинтув ва олиб қўйишнинг асосланганлиги;
- 2) қонунда кўрсатилган тартибда холисларнинг иштироки;
- 3) тинтув ва олиб қўйиш даврида шахснинг жинсий ҳаётига оид фактларни ошқор қилмаслик;
- 4) тинтув ва олиб қўйиш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузишнинг шартлиги;
- 5) шахснинг ички ишлар идоралари ходимларининг ноўрин хатти-ҳаракатлари устидан юқори ташкилотларга шикоят қилиш ҳуқуқи ва ҳоказолар.

Инсон ҳуқуқлари кенг маънодаги тушунча бўлиб, уни энг ривожланган демократик мамлакатларда ҳам тўлиқ амалга оширишнинг имкони йўқ. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, парламент аъзолари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тинимсиз фаолият олиб боришларига тўғри келади. Жумладан, фуқароларни асоссиз равишда шахсий тинтув қилиш ёки уларнинг хонадонларида асоссиз тинтув ўтказиш ҳолатларига барҳам бериш учун Жиноят-процессуал кодексига «суднинг қарорисиз бировнинг турар жойига кириш, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириш, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлари сирини ошқор қилиш мумкин эмас», деган мазмундаги норматив қоида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, бугун эзгу мақсадимиз мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришиш экан, бунинг ягона йўли изланиш, янгиланиш ва ислохотлар йўлида олға интилишдир. Мамлакатимиз истиқболи ва сиёсий тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш жамиятни демократлаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунда конституциявий нормалар ва қоидалар, шунингдек фуқаролар ҳуқуқларини конституциявий ҳимоялаш механизми билан боғлиқ жамият ва ҳокимият муносабатларида тарихан юзага келган шакллар ва анъаналар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим<sup>49</sup>.

---

<sup>49</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т., Тўлтеев И. Т.* Икки палатали парламент / Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 55–56-б.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг учинчи гуруҳига биз юқорида кишиларнинг ахлоқига, кадр-қиммати, шаънига, маънавиятига хос бўлган ҳуқуқларни киритган эдик. Инсонларнинг бу шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий ҳуқуқнинг бутун тизими билан ҳимоя қилинади. Масалан, фуқароларнинг ноқонуний қамокда сақланиши, ноқонуний тинтув ва шу қабила уларнинг шаъни, кадр-қиммати, обрўсига етказилган моддий ва маънавий зарар ҳисобланади.

Кишиларнинг шаъни, кадр-қиммати, ахлоқи, маънавияти ҳуқуқ соҳаларининг ҳамма нормалари билан ҳимоя қилинади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг функционал вазибаларини бажаришда кишиларнинг шаъни, кадр-қиммати билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга дуч келадилар. Улар фуқароларга нисбатан қилинган тухмат, ҳақорат бўйича суриштирув ишлари олиб борадилар (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139 – 140-моддалари, МЖТКнинг 40 – 41-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун виждон эркинлиги кафолатланган. Шу билан бирга, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди. Диний уюшма аъзолари томонидан жамоат тартибига қарши ҳаракатлар содир этилса, белгиланган қонунга асосан, ички ишлар идоралари томонидан чоралар кўрилади.

Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Ҳар хил диний оқимларнинг ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

«Агар биз бугун дини-диёнатимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилмасак, одамлар, айниқса, ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали етарли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машъум таъсирига тушиб қолиши мумкин»<sup>50</sup>.

Ички ишлар идоралари ходимлари Ўзбекистон фуқароларига қатор сиёсий ҳуқуқлари – жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, ўз ижтимоий

---

<sup>50</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 147-б.



фаолиятларини қонунларга мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун қулай шароит яратиб берадилар.

Ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларга давлат идораларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш каби конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларига ёрдам берадилар (Конституциянинг 32 – 35-моддалари). Бундай ёрдам беришда 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунга асосланадилар.

Агар фуқаролар ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилсалар, бу ариза албатта қайд қилиниши ва беш кун ичида тегишли қарор қабул қилиниши керак. Агар аризада кўтарилган масалаларни кўриб чиқиш ички ишлар идоралари ваколатига кирмаса, уни кўриб чиқиш учун тегишли ташкилотга юбориш зарур.

Ички ишлар идоралари фаолиятида асосан жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарлар муҳим ўрин эгаллайди. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан ички ишлар идоралари келиб тушган «аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари;

қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт»<sup>51</sup>.

Ички ишлар идораларида аризининг ҳисобга олиниши ва назоратининг муҳим юридик кафолати бўлиб, аризага бериладиган талон – билдиришнома ҳисобланади. Бундай талон – билдиришномада ариза қабул қилиб олинган сана ва аризани қабул қилиб олган ходимнинг исми шарифи, мансаби кўрсатилган бўлади. Талон –

---

<sup>51</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 2003. – № 1. – 7-м.

билдиришномалар фуқароларга ички ишлар идораларининг навбатчилик қисми навбатчиси ёки бошқа мансабдор шахси томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 330-моддасига асосан, ички ишлар идораларига тушган ҳар бир ариза ва хабарга асосан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши керак:

- 1) жиноят иши қўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни тегишлигига қараб терговга юбориш ҳақида.

Ички ишлар идоралари ходимлари Ўзбекистон фуқаролиги масалалари бўйича ҳам шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва таъминлашда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан ўрнатилади<sup>52</sup>. Юридик жиҳатдан бу ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимлари томонидан расмийлаштирилади.

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига асосан, шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш унинг доимий истиқомат қиладиган жойидаги ички ишлар идорасига, чет элда доимий яшайдиган шахсга эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қонунда белгиланган тартибда олган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари ёки дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга тўлмаган болаларнинг ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

---

<sup>52</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Т., 1992. – № 9. – 32-б.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, лекин Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар идоралари томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади (қонуннинг 42-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг ўн олти ёшга етган ҳар бир фуқароси паспорт олишга ҳақли ва мажбурдирлар. Чунки паспорт фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда энг керакли ҳужжат ҳисобланади (масалан, ишга, ўқишга киришда, сайловда иштирок этишда, уй-жой олишда, никоҳ пайтида ва шу каби ҳуқуқларни амалга оширишда паспорт сўралади).

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ва қайтиб келиш ҳуқуқига эга (Конституциянинг 28-моддаси). Фуқароларнинг бу ҳуқуқларини ҳам амалга оширишда ички ишлар идораларининг рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш хизмати иштирок этади.

Шундай қилиб, ички ишлар идораларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш ва таъминлаш борасидаги жорий қонунларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг фаолияти инсон-парварлик ва демократизм ғоялари билан суғорилган бўлиб, бу фаолиятни янада яхшилаш ва такомиллаштириш давр талабидир.

Фикримизча, шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, шунингдек шахсий ва оилавий ҳаётга аралашмаслик ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида батафсилроқ тартибга солиниб, унда ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ҳуқуқ ва бурчлари аниқ-равшан кўрсатиб берилиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қамокда сақлаш эҳтиёт чорасини танлаш масалалари билан ички ишлар идоралари шуғулланмоғи лозим. Чунки ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга биринчи бўлиб

ички ишлар идоралари ходимлари етиб келадилар. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари ўз хизмат вазифаларига кўра фуқаролар билан бевосита алоқада бўлиб, уларнинг турмуш тарзини яхши биладилар. Олий Мажлис халқаро-ҳуқуқий нормаларни инобатга олиб, «Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши тўғрисида»ги қонунни қабул қилиши, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган тартиб-таомил ва механизмини белгилаб бериши керак.

### **3. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идораларининг вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамият тараққиётининг бош омилига айланган ва шу муносабат билан асосий эътибор умуминсоний қадриятларга қаратилган. Чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланмасдан туриб, том маънодаги тараққиётга эришиш мумкин эмас. Ҳозирги шароитда инсон ҳуқуқларининг воқеликка айланишига жамият ва ижтимоий тизимнинг ўзига хос инсонпарварлик кўрсаткичлари ва қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятлар фаолиятини баҳолаш мезони сифатида қараш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида «ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», деб ёзиб қўйилган. Ушбу ҳуқуқ нормаси фуқароларнинг эркинликларидан маҳрум этилишининг ҳар бир ҳолати қонун назорати остига олинганлигидан далолат беради.

Фуқаролар жиноят содир этганликда шубҳа остига олиниб, ушланиши ва озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Бунинг учун қуйидаги тўрт асосдан бири мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир:

1) шахс жиноят содир этган вақтда ёки бевосита уни содир этиб бўлгач, қўлга тушса;

2) агар гувоҳлар, шу жумладан жабрланувчи, мазкур шахснинг жиноят содир этганлигини кўрган бўлса;

3) қачонки гумон қилинувчининг кийим бошида ёки турар жойида жиноятнинг аниқ излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочишга уринса ёки доимий яшаш жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса (ЖПКнинг 221-моддаси). Гумон қилинувчини ушлаш учун суд қарори ва прокурорнинг санкцияси керак бўлмайди. Бироқ бу чора қисқа муддатли бўлиб, уни ушлаб туриш 72 соатдан ошмаслиги керак (ЖПКнинг 226-моддаси). Шундан сўнг гумон қилинувчи прокурор санкцияси билан ё ҳибсга олиниши керак ёхуд озод этилиши лозим бўлади. «Қонун шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги ҳақидаги фактни тасдиқлар экан, шу билан бирга, ушлаб туриш ҳолатларини ноқонуний ижтимоий хавфли шахсга, жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки руҳий носоғлом деб топилган шахсга ҳам қўллаши мумкин»<sup>53</sup>.

Шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлаб туриш, қийин кечадиган мажбурлов чораларидан бири бўлиб, у кишининг руҳий ҳолатига ёмон таъсир қилади. Ушлаб турилган шахс бир неча кун кучли стресс ҳолатида бўлади, айбсиз бўлса ҳам ўзини ҳимоя қила олмайдигандек ҳис қилади. Аммо ушлаб турилган шахс ўзини бутунлай ҳуқуқий ҳимоясиз деб тасаввур қилиши ўринсиз. Бу ҳолатда қуйидагиларни билиш зарур бўлади:

1) ушлаб турилган шахс ҳимоячи ёллаши ҳамда у билан яккама-якка учрашиш ҳуқуқига эга бўлади;

2) ушлаб турилган шахс ушланишидан норози бўлиб, прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга, агар прокурор қароридан ҳам норози бўлса, юқори турувчи прокурорга арз қилиши мумкин;

---

<sup>53</sup> *Якубов А. С.* Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 177.

3) гумон қилинганларни вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонаси маъмурияти вакиллари ҳар куни камераларни айланиб чиқиб, улардан шикоят қабул қилишга мажбурдирлар. Прокурорга ёзилган шикоятлар бир кун ичида унга юборилиши шарт (ЖПКнинг 216-моддаси).

Ушлаб турилган шахс уни тергов қилаётган орган ходими орқали ҳам прокурорга шикоят қилиши мумкин. Терговчи 24 соат ичида унинг шикоятини олиб, прокурорга юборишга мажбур. Прокурор уч сутка ичида шикоятни кўриб чиқиб, унинг натижаси ҳақида ариза-чига жавоб бериши лозим бўлади. Агар шикоят асоссиз деб топилса, прокурор унинг сабабини баён қилиб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 264-моддасида: 1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи қарорлар устидан берилган шикоятлар; 2) прокурорнинг ҳуқуқий актини ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш белгиланган. Прокурор қонун ҳужжатларида акс эттирилган асослар бўйича ҳуқуқий актни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Прокурор томонидан судга ариза берилиши ҳуқуқий актнинг кучини иш судда кўрилгунга қадар тўхтатиб туради. Лекин, бизнинг назаримизда, бундай норманинг процессуал қонун ҳужжатларида мавжудлиги ҳуқуқий актнинг қонунийлиги презумпцияси принципига зиддир. Чунки фақат суд актни ғайриқонуний деб топиши мумкин. Ана шундай англашилмовчиликларнинг олдини олишда Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 август фармони муҳим кадам бўлди.

Процессуал чоралардан бири бўлган ушлаб туриш маъмурий ушлаб туриш (МЖТКнинг 286-моддаси)дан фарқ қилади. Ушлаб туриш жиноий иш кўзғатилган пайтдан бошлаб қўлланилади. Маъмурий ушлаб туриш ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса, профилактика инспекторлари томонидан кўпроқ қўлланилади. Ички ишлар идораларининг функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, маъмурий ушлаб туриш майда безорилик содир этилганда, ички

ишлар идоралари ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаганда, йўл ҳаракати қоидалари бузилган тақдирда ёки бошқа зарурий ҳолатларда қўлланилади.

Умумий қоидаларга кўра, маъмурий ушлаб туриш уч соатдан ошмаслиги керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг илтимосига кўра, унинг қаердалиги ҳақида қариндошларига, иш ёки ўқиш жойига хабар берилади. Вояга етмаганларнинг ушлаб турилганлиги ҳақида уларнинг ота-оналарига хабар берилиши шарт.

Маъмурий ушлаб туришдан ҳуқуқбузарларни ички ишлар идораларига олиб келишни ҳам фарқлаш керак. Шахсни ички ишлар идораларига олиб келиш ҳам бевосита шахс дахлсизлигига алоқадор.

Шундай қилиб, Конституция ва бошқа қонуний актларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммосини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу эса давлат идораларига, жумладан ички ишлар идораларига уни амалда жорий қилишнинг йўналишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 285-моддасига мувофиқ, маъмурий ушлаб туриш учун шахсни, нарсаларни, транспорт воситаларини текширувдан ўтказиш, нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги далолатнома воқеа жойида тузилиши керак.

Ички ишлар идораларининг фаолияти ва вазифаларига мувофиқ, маъмурий ушлаб туриш митинглар ва намойишлар ўтказиш ва ташкил этиш тартибининг бузилиши, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, ички ишлар идоралари ходимларининг қонуний йўриқлари ва талабларига атайлаб бўйсунмаслик, савдо ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ва бошқа ҳодисалар туфайли амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 284-моддасига асосан, ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги далолатномани тузиш мақсадида, агар далолатномани ўша жойнинг ўзида тузиш зарур бўлиб, бунинг имконияти бўлмаган тақдирда, ички ишлар идорасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасига (маҳаллага) ички

ишлар идоралари ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги далолатномани тузиш ваколатига эга шахс томонидан келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортдаги юклар хавфсизлигини таъминлаш, ёнғиндан сақлаш ва санитария-гигиена қоидалари бузилган ҳолда, агар ҳуқуқбузарнинг шахсини кўрсатувчи ва у ҳақида зарур маълумотларни берувчи гувоҳ йўқ бўлса, у ваколатли шахс томонидан ички ишлар идорасига келтирилиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун бузилганда, агар ҳуқуқбузарнинг шахси қоидабузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқланмаса, ички ишлар ходимлари далолатнома тузиш мақсадида ҳуқуқбузарни ички ишлар идорасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасига келтирилиши мумкин.

Барча ҳолатларда маъмурий ушлаб туриш имкони борича қисқа муддатда амалга оширилиши керак. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идорасига келтирилган шахсни ушлаб туриш бир соатдан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати уларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг йиғиндиси ва бошқарув соҳасида уларга юклатилган мажбуриятлар билан белгиланади.

Ўзининг хусусиятига кўра, бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Бошқарув соҳасидаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга эканлиги билан белгиланади. Фуқароларнинг бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи бош омиллардан бири – маъмурий ҳуқуқ субъекти ҳисобланишидир. У, ўз навбатида, ҳуқуқдорлик (ҳуқуққа қобилиятли) ва муомала лаёқати каби элементлардан ташкил топган.



Маъмурий ҳуқуқ лаёқати, яъни фуқароларнинг давлат бошқарув соҳасида ҳуқуқ субъектига эга бўлиш лаёқати уларнинг туғилишидан бошланади ва вафот этганида тўхтайдди. Маъмурий ҳуқуққа лаёқатлиликнинг мазмуни қонунларда ва маъмурий ҳуқуқ нормаларида ифодаланади.

Фуқароларнинг бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари миқдори аниқ ҳолатлар билан белгиланади. Масалан, фуқаронинг оилавий аҳволи унинг ҳарбий мажбуриятдан озод бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ лаёқати, яъни фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга лаёқатли эканлиги маълум ёшга етганда бошланади. Фуқаролар 16 ёшга етгач паспорт оладилар. Улар 16 ёшдан маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Улар 18 ёшдан тўлиқ муомала лаёқатига эга бўладилар.

Фуқаролар давлат бошқаруви соҳасида ўзларининг маъмурий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширар эканлар, давлат идоралари, мансабдор шахслар ва маъмурий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан маъмурий-ҳуқуқий муносабатда бўладилар.

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлари қуйидаги ҳолларда юзага келади:

1) фуқаролар бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширганларида;

2) фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ ишларда;

3) фуқароларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари бажарилмай қолганда.

Фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари уларни амалга ошириш даражасига қараб икки, яъни мутлақ ва нисбий турларга бўлинади.

Фуқароларнинг мутлақ ҳуқуқларини амалга ошириш ўзларининг хоҳишига боғлиқ бўлади. Масалан, уларнинг давлат бошқарувида қатнашуви, малакали тиббий ёрдам олиш, шахс дахлсизлиги ҳуқуқи ва ҳоказо.

Фуқароларнинг нисбий ҳуқуқларини амалга ошириш учун, ўзларининг хоҳиш-иродасидан ташқари, ҳуқуқларни амалга ошириш

имкониятлари ҳам бўлиши керак. Масалан, Ички ишлар вазирлиги Академиясига ўқишга кириш учун имтиҳонларни муваффақиятли топшириш ва керакли баллни тўплаш лозим; ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун соғлом бўлиш керак, имтиҳонларни топшириш зарур ва ҳоказо.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчлари, шунингдек умумий ва махсус гуруҳларга бўлинади.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги умумий ва махсус ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқади. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларда эса бу ҳуқуқ ва бурчлар янада аниқ намоён бўлади. Масалан, фуқаролар давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқга эгадирлар (Конституциянинг 32-моддаси). Фуқароларнинг давлат хизматларидаги иши эса маъмурий қонунчилик билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари маъмурий ҳуқуқ ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида янада ривожлантирилади ва батафсил охирига етказилади. Масалан, Конституциянинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», дейилади. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Конституциявий норманинг бу қоидалари 1995 йил 21 декабрда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги қонунда янада ривожлантирилган<sup>54</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддаси «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишни кўзда тутади. Худди

---

<sup>54</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Т., 1995. –№ 12. – 257-м.

шундай, Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат идораларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, дейилади. Ана шу конституциявий норма асосида 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун талабларини бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига асосан жавобгарликка тортилиш кўзда тутилган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузиш мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш функциясини бажаришда ички ишлар идоралари муҳим роль ўйнайди. Ички ишлар идоралари шахсинг мулкани, шахсий эркинликларини, шаъни, қадр-қимматини, соғлиғини, шахсий дахлсизлигини ҳар хил жиноий тажовузлардан ҳимоя қиладилар. Ички ишлар идоралари жамоат тартибини сақлаш билан фуқароларнинг дам олиш ва меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратадилар. Жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда маъмурий мажбурлов чоралари ички ишлар идораларининг ваколати ва иш соҳасига киради ва давлат мажбурлов характериға эга.

Маъмурий мажбурлов чоралари ижтимоий муносабатларда ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланишнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходими жамоат тартибини таъминлаш жараёнида ҳуқуқий қоидаларға риоя қилмаётганларни ҳуқуқ қоидаларига амал қилишға, тартибни сақлашға чақиради.

Ички ишлар идоралари ходими жамоат тартибини сақлаш жараёнида қуйидаги маъмурий-ҳуқуқий чоралардан фойдаланади: ҳужжатларни текшириш; фуқароларнинг шахсий уй-жойларига кириш; транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатини тўхтатиш ва камайтириш; транспорт воситаларидан хизмат мақсадларида фойдаланиш; юкларни кўздан кечириш ва бошқалар.

Ички ишлар идоралари олдида турган асосий вазифа жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдир. Аммо ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доимо имкон бўлавермайди, ички ишлар идоралари ходими ҳуқуқбузарга қўшимча таъсир кўрсатиб, маъмурий мажбурлов чораларини қўллаб, маъмурий хатога йўл қўйган шахсни жазолайди.

Ҳуқуқбузарлик ва маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳар доим ҳам фуқароларнинг ички ишлар идораларига ушлаб келтириш билан боғлиқ бўлмайди. Агар маъмурий баённомани воқеа содир этилган жойда тузишнинг иложи бўлса, яъни шахснинг турар жойи, насл-насаби маълум бўлса, яқин атрофдаги давлат ташкилотлари биносига кириб ҳам маъмурий баённома тузса бўлади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш ички ишлар идораларининг фаолияти ва ваколатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Чунки улар жамоат тартибини сақлай туриб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишлари ва айбдорларни жавобгарликка тортишлари керак. Шунинг учун ҳам бундай пайтда маъмурий йўл билан ушлаб туришга прокурорнинг санкцияси керак бўлмайди.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни ички ишлар идораларига ушлаб келтириш ва маъмурий йўл билан ушлаб туриш каби чораларни қўллашни ички ишлар идоралари ходимлари ваколатлари доирасида ва қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўзлари ҳал қиладилар.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун ички ишлар идораларига олиб келган вақтдан, агар маст бўлса, у ҳушёр тортган пайтдан бошланади.

Майда безорилик учун ушланган шахс, унинг иши кўриб чиқилгунга қадар, ушлаб келинганларни вақтинча сақлаш хонасида сақланади. Майда безорилик бўйича иш 24 соат ичида кўриб чиқилиши керак.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённома тузилганда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг маъмурий йўл

билан ушлаб турилганлиги ҳақида унинг қариндошларига, уйига ўзига ёки иш жойига, агар ҳуқуқбузар илтимос қилса, хабар бериш мумкин. Вояга етмаганларнинг ушлаб турилганлиги ҳақида уларнинг ота-оналарига албатта билдирилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонун-қоидаларига кўра, ички ишлар ходимлари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар чақирувига биноан ҳозир бўлмаганларни ички ишлар ёки давлат ташкилотлари идораларига мажбурий олиб келиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, мажбурий келтириш – маъмурий мажбурловнинг алоҳида чораларидан бири бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг процессуал жараёнларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш усули, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган тақдирда қўлланилади. Шунинг учун мажбурий келтиришни ушлаб туришдан фарқ қилиш керак. Мажбурий келтириш жиноят-процессуал характерга эга бўлиб, унга асос прокурор, терговчи, суриштирув органининг қарори ёки суд ажрими ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари баённомалар тузиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги қарорларнинг ўз вақтида ва тўғри чиқишини таъминлаш учун шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларини кўздан кечириш ҳуқуқига эгадирлар.

Шахсни кўрикдан ўтказиш у билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги икки холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда мазкур ашёлар, буюмлар мулкдорсиз (эгасисиз) икки холис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Юқоридаги каби ҳолатларда шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёхуд маъмурий йўл

билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённома тегишлича тўлдирилади. Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларни кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш курали ёки бевосита шундай нарса бўлган ашё ва ҳужжатлар ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан қонунда кўрсатилган тартибда олиб қўйилиши мумкин. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар, шундай ашё ва ҳужжатлар сақланадиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлингандан кейин эса, унинг натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади. Ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса сотиб юборилади<sup>55</sup>.

Ашёлар ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда, бу хусусида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишлича ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

---

<sup>55</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 1999. –136-б.

# ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

## 1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва унинг принциплари

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилинаётган қонунларнинг ролини ошириш, шунингдек қонунчиликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида шундай деган эди: «Бизга барча даражадаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунлар тизими керак. Бу тизим марказий, вилоят, шаҳар, туман давлат идоралари ҳокимиятининг ҳуқуқлари, вазифалари ва бошқарувини аниқ тартибга солишни таъминлаши зарур»<sup>56</sup>.

«Қонунчилик» тушунчасини ҳуқуқшунос олимлар ҳар хил таърифлайдилар. «Давлатдаги қонунчилик жонли ва ривожланадиган ходисадир. Қонунчилик давлатнинг буюклигини чашмадай суғориб туради. Худди ана шу боис ҳам Ўзбекистоннинг улуғ келажагини халқимиз чинакам қонунчиликнинг асл илдизлари асосида қурмоқда»<sup>57</sup>.

«Қонунчилик» ибораси ҳуқуқий амалиёт ва назарияда кенг ишлатилиб, юридик энциклопедик луғатдаги талқинига кўра, икки маънода қўлланилади: 1) қонунчилик – давлат ҳокимияти органи томонидан қонунлар чиқаришга қаратилган ўз функциясини амалга ошириш усули; 2) қонунчилик (кенг маънода) – мамлакатда амал қилувчи барча норматив-ҳуқуқий актларнинг йиғиндиси, қонунчилик (тор маънода) – фақатгина амалдаги қонун ҳужжатлари йиғиндиси<sup>58</sup>.

---

<sup>56</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. – Т., 1995. – 175-б.

<sup>57</sup> Таджиханов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. – Т., 1996. – 175-б.

<sup>58</sup> Қаранг: Одилқориев Ҳ. Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 10-б.

Қонунчиликнинг ўзига хосликлари, мавжуд бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини татбиқ этиш жараёни давлатимизнинг барча ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига сингиб бормоқда. Шунингдек, норматив ҳужжатларнинг ўзи қонунчилик талабларини акс эттиради, хусусан норматив ҳужжатларга бўйсунуш қонуннинг олий юридик кучида кўринади.

Бошқа тарафдан, С. С. Алексеев, Н. В. Витрук, М. П. Рабинович, П. С. Явис, В. В. Лазарев ва бошқа бир қатор муаллифларнинг ишларида қонунчиликка ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тартиб тушунчалари орқали аниқлик киритиш таклиф қилинган ва асосланган<sup>59</sup>.

Ҳуқуқий тартиб жамият муносабатларининг амал қилишида шундай ҳуқуқий шартларни яратадики, бунда ушбу муносабатларнинг қонунийлиги тавсифланади, яъни ҳар хил субъектлар ҳолати қонун ва қонун ости норматив ҳужжатларига мос келади. Ушбу ҳуқуқий шартларни худди жамият муносабатларининг қонунийлик ҳолати каби, барча иштирокчиларнинг қонунга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий атмосфера каби тушуниш мумкин. Юридик луғатларга киритилган «имплементация» деган сўз бор. Бу тушунча қонун ёки қарорни амалга жорий қилиш деган маънони билдиради ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўта муҳим аҳамиятга эга<sup>60</sup>.

Қонунчиликни «ҳуқуқий тартиб» тушунчаси орқали таърифлаш унинг моҳиятини чуқурроқ очиқ беришга имкон яратади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида фақат жамият муносабатлари субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий нормаларга нисбатан ҳолатига талаблар қўйилибгина қолмай, балки чиқарилган ҳуқуқий нормаларни жамият муносабатларидаги барча иштирокчилар томонидан итоатгўйлик билан бажарилишида ҳам мустаҳкам тартиб барпо этилади.

---

<sup>59</sup> Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / С. С. Алексеев таҳрири остида. – М., 1985. – С. 401–402; Умумий ҳуқуқ назарияси: Маърузалар курси. – Нижний Новгород, 1993. – С. 523; Умумий демократик ва ҳуқуқ назарияси / В. В. Лазарев таҳрири остида. – М., 1996. – 218-б.



Қонунчиликни бундай тушунишда ҳуқуқий фаолият (шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш) ва қонунчилик ўртасидаги фарқ синчиклаб кўриб чиқилади. Бунда қонунчилик мазмунан қонунларни татбиқ қилиш бўйича фаолият бўлмай, балки ушбу фаолиятнинг қонунга мос келишига таянади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчилик деганда, давлатимиз учун маъқул бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида қонунлар ва қонунларга асосланган норматив ҳужжатлар талабларини оғишмай бажарадиган ҳуқуқий тартиб тушунилади, шунингдек ҳуқуқий нормалар, тартибларни татбиқ қилиш соҳасида шахслар, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланиши таъминланади. Бу қонунчиликнинг умумий тушунчаси. Лекин қонунчилик турли кўринишлар, хусусиятлар, томонларга эга бўлиб, бу унинг кўрсатмасини, жамият ҳаётида ўз ўрни борлигини тавсифлайди.

Қонунчиликнинг асосий кўрсатмаларидан бири – ҳуқуқ талабларини жорий қилишни таъминлаш. Жамиятда шундай муҳит барпо қилиш керакки, жамият муносабатларида қонун ҳукмронлиги ўрнатилсин. «Қонун ҳукмронлиги – ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устунлиги демакдир. Ҳеч бир давлат идораси, ҳеч бир хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир инсон қонунга бўйсунуш мажбуриятидан озод бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун олдида ҳамма бир»<sup>61</sup>.

Бу шуни англатадики, турли давлат идоралари томонидан қабул қилинадиган барча ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга асосланган бўлиши ва унга зид келмаслиги керак. Қонун олий юридик кучининг ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясидаги маъноси ҳам шунда. Ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид келса, қонун ишга тушади, унга зид келувчи ҳуқуқий ҳужжат ўрнатилган тартибда бекор қилинади.

---

<sup>60</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 318-б.

<sup>61</sup> *Каримов И. А.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т., 1993. – 63–64-б.

Конституция юксак сиёсий нуфуз ва олий юридик мақомга эга ҳужжат сифатида мамлакат қонунчилик тизимида марказий ўрин тутди. У нафақат қонунчилик эҳромининг чўққисида туради, балки бутун қонунчилик мажмуининг умуртқасини, ўзагини ташкил этади. Конституция, унинг принциплари ва барча қоидалари қонунчилик шаклланиши ҳамда ривожланиши учун йўналтирувчи аҳамият касб этади. Янада лўндароқ айтадиган бўлсак, Конституция қонунчиликни ривожлантиришнинг яхлит, ягона ва мукамал ишланган стратегияси (шоҳ ўзаги) сифатида майдонга чиқади<sup>62</sup>.

Илмий адабиётларда қонунчилик принциплари механизмининг моҳияти тўғри қайд этилган. Қонунчилик ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади, лекин ушбу тизимдаги бошқа барча қисмлар махсус, алоҳида таъсир кўрсатувчи қисмлардир (ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқни англаш ва бошқалар).

Ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг қай бир қисмини олмайлик, у қонунчилик билан у ёки бу ҳолда боғлиқ. Чунки ҳуқуқни англаш ҳуқуқ, қонунчилик асосида шаклланади. Унинг асосий йўналтирувчи мақсади қонунчиликдир. Давлат идоралари, шунингдек ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш муҳитида қонунчилик тартибини оғишмай таъминлаш, ходимлар томонидан уларни асосли ва одиллик билан ҳал қилиш ва бузғунчиларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини тўғри танлаш фуқароларимизда ҳуқуқий фикрлаш, қарашлар ва сезгиларининг ривожланиши ва шаклланишига яхши таъсир қилади.

Қонунчиликнинг муҳим хусусияти – демократиянинг ажралмас ва зарур шарти сифатида намоён бўлиши, ҳақиқий демократия қонунчиликсиз мавжуд бўлмайди ва фаолият ҳам кўрсатмайди.

Қонунчиликнинг энг муҳим вазифаларидан бири шахсларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя (муҳофаза) қилиш ҳисобланади.

---

<sup>62</sup> Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 234–251-б; *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқариш жараёни. Т.: Ўзбекистон, 1995. – 54–72-б.

Шахснинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя (муҳофаза) қилиш қонунчиликнинг энг муҳим, лекин ягона вазифаси эмас. Қонунчилик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлабгина қолмай, давлат ва жамият манфаатларини ҳам ҳимоя қилувчи муҳим восита ҳисобланади. Бунда шахсларнинг манфаатлари ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ажралмаган ҳолда мавжуд бўлади.

Бошқа томондан қараганда, қонунчилик фақат демократия негизида мавжуд бўла олади, бунинг ифодаси қонун олдида барчанинг тенглиги, қонунчилик фаолиятида аҳолининг кенг миқёсдаги иштироки, давлат ҳокимиятининг юқори идоралари томонидан қонунларни қабул қилиш ва муҳокамасининг ҳақиқий демократик тартибидир. Бундай тартиб ҳаётимизга ҳақиқий демократиянинг сингиб боришини таъминлайди.

Демократия шароитида қонунларни татбиқ этишда халқнинг иштироки, содир этилган қонунбузарликлар учун жавобгарлик мажбурияти кафолатланади.

Демократиянинг сингиб ва кенгайиб бориши, аҳоли сиёсий фаоллигининг ошиши қонунчиликнинг моҳияти ва ўрнининг ҳар томонлама ортишига ва мустаҳкамланишига шароит яратади.

Қонунчилик принциплари – бошқарув низомларининг ижтимоий табиатини, демократик моҳиятини яққолроқ, батафсил ёритадиган асосий ҳуқуқий мулоҳазалардир.

Қонунчилик принципларига қуйидагилар киради: қонуннинг устуворлиги, ягоналиги, уларнинг бажарилишига талабларнинг умумийлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, шахс эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунни бузганлик учун жавобгарлик ва ҳоказо.

*Қонуннинг устуворлиги.* Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Ушбу принцип шуни билдирадики, қонун олий юридик кучга эга.

Барча бошқа норматив ҳужжатлар қонун асосида бажарилиши ва чиқарилиши ҳамда қонунга зид келмаслиги лозим.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатдан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний кадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Қай бир жамиятда қонун бажарилмай қоғозда қолиб кетса, ундай жамият асло равақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун амалда бўлиши лозим, у қабул қилиндими, ижроси ҳам қатъий бўлмоғи керак.

Қонун жамият тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Қонун-ости ҳужжатлар қонунга зид келса, ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунинг учун қонунга ўзгартиришлар киритилса ёки янги қонун қабул қилинса, қонуности ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Мана шу талабларни бажарган ҳолдагина қонун устуворлигини амалда таъминлашга ва мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришга эриша оламиз<sup>63</sup>.

*Қонуннинг ягоналиги.* Бу қонунчиликнинг энг муҳим принцип-ларидан биридир. Қонуннинг ягоналиги принципи авваламбор улар-нинг бажарилиш амалиётига тааллуқли бўлиб, қонунларни қўллашда унинг барчага баравар амал қилиши тушунилади.

Бу принцип шуни англатадики, ҳеч қандай маҳаллий фарқлар ёки маҳаллий манфаатлар қонунларни ўзбошимчалик билан ўзгарти-ришга ёки қонунларни бажармасликка сабаб бўла олмайди.

Қонунлар бир хил тушунилиши ва республикамиз ҳудудидаги барча ташкилотлар ва фуқаролар томонидан оғишмасдан бажари-лиши шарт.

У ёки бу нормалар эскирган, замон талабларига мос келмайди деган сабаб билан қонунни бузиш ва нигилистик муносабатда бў-

---

<sup>63</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 324-б.

лишга йўл қўйилмайди. Республикамизда қонун ва қонуности норматив ҳужжатларини такомиллаштириш ва янгилаш бўйича ишлар доимий равишда олиб борилмоқда. Қонунлар ваколатли идоралар томонидан бекор қилинмагунча, юридик кучга эга бўлади ва уни бажариш мажбурияти сақланиб қолади.

*Қонунлар бажарилишига талабларнинг умумийлиги.* Ушбу талаблар барча давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бир хил даражада қўйилади.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва қонунларни бажарилишига талабларнинг умумийлиги шуни билдирадики, алоҳида фуқаро ёки ижтимоий гуруҳ учун имтиёз мавжуд эмас, яъни фуқаронинг ҳеч бирига юқори мансаб кўрсаткичлари, олдинги хизматлари қонунга бўйсунмаслик ҳуқуқини бермайди.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги қонунларга амал қилишда уларнинг мажбуриятлари бажарилишига қўйиладиган талаблар билан боғлиқ бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган унвонга лойиқ бўлиш, қонун-қоидаларни ҳурмат қилишларида намоён бўлади.

*Фуқаролар ҳуқуқларини, шахс эркинлигини ҳимоя қилиш.* Давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ўзларининг вазифаларини амалга оширишларида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига тўсқинлик қилинишига йўл қўймасликлари лозим, улар доимо фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаноатлантириш, уларни муҳофаза қилиш ҳақида қайғуришлари зарур. Шу жумладан, фуқаролар ўз ҳуқуқларини талаб қилишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

*Қонунни бузганлик учун жавобгарликнинг муқарарлиги.* Қонунни ҳар қандай ҳолатда бузиш жавобгарликка тортилишга олиб келади. Тўғри, қонунбузарликлар ўз вақтида аниқланиб олди олинса, қонунчилик тартиби бузилмаслиги мумкин. Агар у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятидаги камчиликлар натижасида мавжуд бўлса, қонунчиликка катта миқдорда зарар етиши мумкин.

Қонуннинг ҳар қандай бузилиш ҳолатлари ўз вақтида аниқланиб, айбдорлар ўзларининг ноқонуний ҳаракатлари учун ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилишлари лозим.

## **2. Ички ишлар идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг қонуний асослари**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи муҳим ўрин эгаллаб, уларнинг конституциявий мажбурияти ҳисобланади. Ички ишлар идоралари қонунчиликни таъминлашда катта ишларни бажарадилар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини татбиқ қилиш механизмида уларнинг ўрни авваламбор ваколатларининг мазмуни билан белгиланади.

Шунингдек, ички ишлар идоралари катта куч ва воситаларга эга бўлиб, бу уларга фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини татбиқ қилишга йўналтирилган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий тадбирларни самарали ва мақсадли ўтказишларига имкон беради. Улар аҳолига нисбатан яқинроқ туради ва ўзларининг кўп сонли вазифаларини бажариш мобайнида фуқароларнинг шахсий эркинликларини чегараловчи муҳит, уларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир қилувчи салбий ҳолатларни тез ва ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш учун етарли имкониятга эга.

Ички ишлар идоралари, шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш билан бирга, айрим ҳолатларда белгиланган тартибда, қонун асосида фуқароларнинг шахсий эркинликларини чегаралаш ҳуқуқига ҳам эга. Бу ички ишлар идоралари ходимларига қонунчилик талабларига қатъий ва оғишмай амал қилишда алоҳида жавобгарлик масъулиятини юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуи яшаш ҳуқуқи билан бошланади. Бу инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг яшашга лойиқлиги учун қафолатдир.

Инсон ҳаёти фақатгина жисмонан мавжуд бўлиш эмас. Давлат инсон ҳаёти учун етарли шароит яратишга ва шахсий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга мажбурлиги Конституцияда кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари орасида асосий ўрин иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар эгаллайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласига эътиборни қаратиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Бу борада яна қандай янги қонуний нормалар ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниши зарурлигини, амалдаги қонун ҳужжатлари бугун нима учун ишламаётганлигини аниқлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади<sup>64</sup>. Фуқароларнинг шахсий мулкларини кўриқлашда ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятини тартибга солувчи янги нормаларни яратиш лозим. Фуқароларнинг шахсий мулки шахсий истеъмол моллари, уй-рўзғор, ёрдамчи хўжалик асбоб-ускуналари, турар-жой, меҳнат жамғармаси ва бошқалар бўлиши мумкин. Ушбу ҳуқуқнинг батафсил таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларида берилган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, яъни кафолатланган иш ўрнига эга бўлиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ўз аксини топган. Ушбу конституциявий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун меҳнат қилишга қуйидаги аниқ ва тенг имкониятларни яратади:

1) ҳар бир одам қандай фаолият билан шуғулланиши, қандай касб ва мутахассисликни эгаллаши, қандай ишни танлаши масалаларини ўз манфаати ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўзи ҳал этиши;

2) кафолатланган иш ўрнига эга бўлиш;

3) давлат томонидан ўрнатилган энг кам бўлмаган, меҳнатга яраша тенг иш ҳақи олиш;

---

<sup>64</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир // *Халқ сўзи.* – 2007. – 13 фев.

4) давлат ҳисобидан мутахассисликка эга бўлиш, меҳнат маданиятини ошириш ва янги мутахассисликни эгаллаш.

Сидқидилдан ва юқори унумдорлик билан ишлаш ҳаёт қонуни бўлиб, бозор иқтисодиётининг ривожланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилишнинг конституциявий ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам ифодаланган. Бу борада меҳнат ҳуқуқи нормалари катта аҳамиятга эга бўлиб, бошқа масалалар билан бир қаторда, муайян ҳолатларда меҳнат ҳуқуқини тартибга солади.

Конституцияда дам олиш ҳуқуқи (38-м) фуқароларимизга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бўш вақтни таъминлайди. Бунда улар жамоат ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш учун ўз кучларини тиклашга, маънавий ва жисмоний қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга сарфлайдилар.

Бу ҳуқуқ қуйидагилардан иборат:

1) иш куни ҳафтасининг давомийлигининг қонунчиликда белгиланганлиги;

2) соғлиқ учун зарарли бўлган ишда ишлайдиганларга қисқартирилган иш кунининг ўрнатилиши;

3) тунги вақтда қисқартирилган иш вақтининг ўрнатилиши;

4) иш вақтида дам олиш ва овқатланиш учун танаффусларнинг ўрнатилиши;

5) ҳафтада ва байрам кунларида дам олишнинг ўрнатилиши;

6) ҳар йили ҳақ тўланадиган таътил берилиши;

7) ҳар бир шахсга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун тенг имкониятлар яратиш, шунингдек мамлакатнинг маданий-оқартув муассасаларидан барчанинг фойдаланиши учун имконият бериш.

Ички ишлар идоралари фуқароларга яшаш мавзеларида, хиёбон, истироҳат боғи ва саломатлик масканларида дам олишлари учун имконият яратадилар, спорт ва сахна кўринишли тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини муҳофаза қиладилар. Дам олаёт-



ган фуқароларнинг тинчлиги бузилмаслиги учун безорилик қилишга мойил бўлган ўсмирлар ва бошқа шахслар профилактика инспекторлари ва тегишли бўлим ходимлари томонидан аниқланади ва шу орқали тартиббузарликларнинг олди олинади.

Транспорт ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириб туриш ЙХХДХ ходимлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш идоралари ИИОга катта ёрдам кўрсатадилар. Улар фуқароларни давлат ва жамоатчилик ишларини бошқаришда иштирок этиб, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши, ўз ҳудудларида ижтимоий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш мақсадида бирлашишга, давлат ҳокимияти идораларига қонунларнинг бажарилишида хайрихоҳлик қилишга, Президент кўрсатмалари, республика ҳукумати қарорларини, ҳокимлар, фахрийлар кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ва аҳолининг бошқа фаолият кўрсатувчи ташкилотлари қарорларини бажариб боришга даъват этадилар.

Ички ишлар органлари ходимлари ўрмончилик ишлари, ўрмонларни қўриқлаш хизматчилари билан яшил ҳудудларни айланадилар ва кўздан кечирадилар, ЙХХДХ ходимлари эса махсус автохўжалик тадбирларини ўтказиш орқали атмосфера ҳавосининг тозаллигини назорат қилишни амалга оширадилар.

Ички ишлар идоралари маъмурий фаолиятининг асосий усули ишонтириш, фуқароларни қонунлар ва норматив ҳужжатларга қатъий ва онгли равишда амал қилишлари учун тарбиялаш ҳисобланади. Лекин бу фуқароларнинг шахсига ва ҳуқуқига дахл қилувчи, жамоат тартибини бузувчиларга нисбатан чораларни қўлламайди, дегани эмас.

Маълумки, 2007 йил Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданок аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини мақсадли ижтимоий ҳимоялаш бўйича керакли қонунлар ва қарорлар қабул қилди. Масалан, 1991 йилда «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун, 1995 йилда эса 1996–2000 йилларда ноги-

ронларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳимоялаш давлат дастури қабул қилинди. Аммо ушбу қонун ва дастурнинг ижросини таъминлашда муаммолар мавжуд. Ногиронларга берилаётган нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдамлар Конституцияда белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорга тенг эмас. «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан мазкур муаммолар бартараф этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қонунда белгилаб қўйилган «Ногиронларни ҳимоя қилиш фонди» ташкил этилиб, ногиронларга ушбу фонддан тирикчилик учун зарур бўладиган маҳсулотларни бериб боришни ташкил этиш зарур.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини нафақа билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, болалиқдан ногиронларга 18 ёшга тўлгунга қадар ижтимоий ёрдам пули тўланиши, 18 ёшдан кейин ногиронлик нафақаси тўланиши лозим. Лекин шу нафақани олиш учун, қоида бўйича, у бир йил иш стажига эга бўлиши керак. Аммо ногирон меҳнатга лаёқатсиз бўлса, у ҳаракатлана олмаса, бир йиллик иш стажига қандай эга бўлади?

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Шаҳар йўловчилари транспорти тўғрисида»ги қонунга асосан, болалиқдан ногиронлар, бахтсиз ходиса оқибатида ногирон бўлганлар ва шу кабилар шаҳар жамоат транспортдан фойдаланиш учун ойлик йўл чипталарини олишлари керак. Ойлик йўл чипталарининг нархи эса улар оладиган нафақанинг 80–90 фоизини ташкил этади, яъни улар бу ойлик йўл чипталарини сотиб ололмайдилар.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи Конституциянинг 39-моддасида кафолатланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- 1) аҳолини ижтимоий суғурта қилиш;
- 2) қариганда, ногиронликда ва боқувчисини йўқотганда нафақа олиш;
- 3) қисман меҳнатга лаёқатини йўқотганида иш билан таъминлашнинг кафолатланганлиги;
- 4) қариганда ёки ногирон бўлган ҳолларда давлат ҳисобидан тўлиқ таъминот олиш имконияти.

Профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича профилактика ходимлари ҳеч кими йўқ шахслар ва қарияларга ёрдам кўрсатиш учун жамоатчиликни жалб этишлари мумкин.

Конституцияда белгиланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи (40-м) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳар томонлама соғлом ривожланиши учун муҳим қафолат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг ҳақиқий ватанпарварлик сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бу ҳуқуқ ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) давлат соғлиқни сақлаш муассасаларидан малакали тиббий ёрдам олиш;

2) соғлиқни сақлаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш муассасалари тармоқларидан тенг ҳуқуқли фойдаланиш;

3) ишлаб чиқариш санитарияси, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришда меҳнат фаолиятини амалга ошириш;

4) соғлом атроф муҳит ҳуқуқи;

5) аёллар ва болалар соғлиғини алоҳида ҳимоя қилиш.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорирок юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт», дейилган<sup>65</sup>. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг<sup>66</sup> 8-моддаси 3-қисми ва 10-моддасининг 2-қисми Конституциянинг 40-моддаси талабларига тўғри келмайди. Қонуннинг 8-моддаси 3-қисмида «Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан профилактик бепул тиббий ёрдам кўрсатади», дейилган бўлса, 10-моддасининг 2-қисмида эса соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимларига тааллуқли бошқа

---

<sup>65</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат. – №25. – 41-б.

<sup>66</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996. – №9. – 128-м.

даволаш профилактика муассасалари томондан фуқароларнинг айрим гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Ҳолбуки, Конституциянинг 40-моддасида бепул тиббий хизмат ҳақида сўз юритилмайди.

Бу муаммони ҳал қилиш учун амалдаги қонунларга ушбу масалаларни аниқлиштирадиган нормаларни киритиш зарур. Чунки, соғлиқни сақлаш ҳам бошқа соҳалар каби, бозор ислоҳотлари шароитига мослашиб боради, натижада бепул хизматлар ҳам пулли бўлиб қолади. Шу боис фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун тараққий этган мамлакатлар андозаси даражасидаги тегишли нормаларни қабул қилиб, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратиш керак. Яъни мамлакатимизда ҳам тараққий этган давлатлардаги каби тиббий суғурта қилиш тизимини яратиш, бунда ҳар бир фуқаро ўз тиббий суғурта шахсий ҳисоб рақамига эга бўлиши, бу ҳисоб рақамига унинг даромадларидан қонун томонидан белгиланган миқдордаги мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси учун ушлаб қолинган маблағлардан маълум қисми кирим қилиб борилиши керак.

Давлатимиз фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқини овоза қилибгина қолмай, балки бу ҳуқуқ қонуний таъминлайди.

Ички ишлар идоралари шахсларнинг дахлсизлиги ва ҳаётига хавф солувчи жиноий ҳаракатлар содир бўлишига йўл қўйилмаслик учун ҳаракат қиладилар. Ичкиликбозлик фуқароларнинг соғлиғига катта зарар етказади. Профилактика инспекторлари соғлиқни сақлаш муассасаларидан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда спиртли ичимликлар ичишга мойил шахсларни аниқлаб, кейинги профилактика ишлари учун ҳисобга қўйишлари мумкин.

Асосий қонунимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар бир фуқаро билим олиш ҳуқуқига эга (41-модда). Жамиятимиз фуқароларнинг юқори билим ва малакали тайёргарликка эга бўлиши учун қайғуради. Бу мақсадни ҳал этувчи воситалардан бири – билим олиш ҳуқуқи ҳисобланади. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

1) мактабгача бўлган муассасаларда бошланғич таълим олиш имконияти;

2) текин умумий таълим олиш;

3) мамлакатимиздаги барча мавжуд ўқув юртларида она тилида билим олиш имконияти;

4) давлат стипендияси ва имтиёзларини олиш;

5) мустақил билим олиш билан шуғулланиш имконияти.

Илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи Конституциянинг 42-моддасида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ушбу ҳуқуқи билим олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) ватанимиз ва жаҳон маданияти дурдоналарини ўрганиш ва улар билан танишиш имконияти;

2) маданий-оқартув муассасаларининг барча тармоқларидан фойдаланиш;

3) илмий-техника воситаларидан фойдаланиш имкониятлари.

Ўзбекистон Республикасида инсонларнинг маданияти, санъати раванқ топиши учун катта эътибор қаратилмоқда, фуқароларнинг талаблари қондирилиб борилмоқда.

Маданият муассасаларининг иқтисодий манбаларини мустаҳкамлаш ва ўстириш борасида давлатимиз қайғурмоқда, уларнинг фаолият юритиши яхшиланмоқда. Буларнинг ҳаммаси маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи давомийлигини таъминлайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари фаолиятининг ўзига хос томони фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ҳисобланади. Бу эса давлатнинг ваколатли идоралари томонидан доимий назорат олиб боришни талаб қилади. Қонун кўрсатмалари бузилган ҳолатларда давлат ва жамоатчилик манфаатларига, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зиён етказилсагина ички ишлар идоралари ўрнатилган тартибда қонунбузарга нисбатан зарур чора қўллаши, шунингдек шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ

чораларни кўришлари мумкин. Бу ҳаракатлар, ўз мақсадларига кўра, фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур бўлган шароит яратишга хизмат қилиши лозим.

Ички ишлар идоралари бир қатор ҳолатларда фуқароларнинг шахсий эркинликларини маълум даражада чеклаш ҳуқуқига эга. Кўпинча бу ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилишда шубҳа қилинаётган шахслар билан боғлиқ бўлади.

Ички ишлар идоралари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларда фуқароларнинг турар жойларига ички ишлар идоралари ходимларининг киришига ҳуқуқ берилганлиги аниқ кўрсатилган ва асосланган. Бу ҳуқуқ жиноят содир этган шахсларни тақиб этиш билан боғлиқ ҳаракатларда кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 161-моддаси шахсни гумондор деб ҳисоблаш ва уни ҳибсга олиш учун асос бўлади. Ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг турар жойларига кириш ҳуқуқидан жиноятларнинг, шунингдек фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига ва жамоат тартибига хавф солувчи бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фойдаланадилар.

Ички ишлар идоралари томонидан фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашишнинг барча ҳолатлари қонунчиликда аниқ кўрсатилган бўлиб, ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чегарадан чиқиб кетиш, шунингдек фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини ўзбошимчалик билан чеклаш, бунинг учун қонуний асосларнинг бўлмаслиги қонунчиликни бузиш ҳисобланади.

Шу ўринда «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг<sup>67</sup> ички ишлар идоралари фаолиятида фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш,

---

<sup>67</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001. – №9–10.

жиноят учун жазо муқаррарлиги принципини амалга ошириш, шунингдек қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик каби принципларни амалга оширишдаги аҳамияти катта бўлди.

Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда, бу жамият муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда аниқ намоён бўляпти. Ушбу муносабатларда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятлари кафолатланади, муносабатлар иштирокчиларига юклатилган мажбуриятлар бажарилишини қатъий таъминлайди. Бунда жамоат тартибини таъминлаш бўйича ички ишлар идоралари фаолияти билан фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари умумий алоқадорликда бўлиши кузатиб борилади.

Ички ишлар идораларининг жамоат тартибини муҳофаза қилишдаги фаолиятининг алоҳида хусусияти барча фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини амалий татбиқ этилиши учун шароит яратиш билан боғлиқ. Дастлабки тергов ва суриштирув органлари, шунингдек судлар фаолиятида ҳуқуқни таъминлаш кенг маънода бўлмайди, балки аниқ субъектлар – гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчилар ва уларнинг қариндошларинигина шахсий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, ички ишлар идораларига кенг масалалар доирасида суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш билан боғлиқ ваколатлар юклатилган. Шу сабабли ички ишлар идоралари ходимлари (терговчи, суриштирувни олиб боровчи шахслар) ўзларининг ваколоти доирасида процессуал қарорларни (гувоҳларни чақириш, ишни тўхтатиш, шахс айбдор деб тан олиш ва ҳоказо) қабул қилиш ваколотиغا эгадирлар. Қоидага биноан, тергов, суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётганда суриштирув ҳаракатларини олиб бораётган терговчининг, шунингдек прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари билан фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланади.

Процессуал фаолиятда иштирок этаётган ички ишлар идораларининг мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, айбланувчига нисбатан қонунда кўрсатилмаган процессуал мажбурлов чоралари қўлланилишига йўл қўймаслиги керак, айбланувчининг қамоққа олинганлиги туфайли қаровсиз қолган балоғатга етмаган болаларига ғамхўрлик қилишлари лозим, қамоққа олинган шахснинг уй-жойи ёки мол-мулкани муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриши керак.

Ички ишлар идоралари терговчилари жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва дахлсизлигини таъминлаш учун масъулдирлар.

Ички ишлар идоралари суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш давомида айбланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларини таъминлаш учун ўз ваколатлари доирасида шароит яратишлари лозим. Масалан, қамоққа олинган айбдорнинг қариндошлари у билан учрашиш ҳуқуқига, хат ёзишиш ҳуқуқига, озиқ-овқат бериш ҳуқуқига ва бошқаларга эга.

Жабрланувчиларнинг қонуний манфаатлари ва шахсий ҳуқуқларининг таъминланиши муҳим аҳамият касб этади (жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, дастлабки терговда иштирок этган мансабдор шахслар ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва бошқалар).

Ички ишлар идоралари жиноятларни ҳар томонлама, объектив кўриб чиқиш, ҳеч бир айбсиз киши жиноий жавобгарликка тортилиб қолмаслигини эътиборга олиб, айбдорларнинг ишини судга ўтказиш, шунингдек айбдорлар содир қилган жиноятига яраша жавобгарликка тортилиши таъминланишини ташкил этади. Бу борада кўриб чиқиладиган ҳаракатлар гумондорнинг, жабрланувчининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини қаноатлантириш учун шарт ҳисобланади, жамоатчилик манфаатлари ҳам шулар жумласидандир.

Ички ишлар идоралари фаолиятида фуқаролар фаол иштирок этишлари лозим. Бизнинг жамиятимиз ҳар бир инсонга давлат ишла-



рини бошқаришда фаол иштирок этиш имкониятини беради, шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишини таъминлайди.

### **3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муаммолари**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш муаммолари долзарблигича қолмоқда. Бу муаммоларни ҳал этмоқ учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларга қатъий риоя этиш, уларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар яратиш ва шу орқали жамиятда мустаҳкам қонунийлик муҳитини вужудга келтириш зарур.

Мазкур йўналишда мамлакатимиз парламенти томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқлари бирламчилигини ўзида акс эттирувчи, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширувчи, уларни давлат ва жамиятни бошқаришда бевосита ҳамда самарали иштирок этишини таъминлайдиган қонунлар қабул қилинди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир. Бу қонун кучга кирганидан сўнг ички ишлар идоралари тергов фаолиятида қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари кескин камайишига эришилди.

Аммо фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши тўла рўёбга чиқиши учун ички ишлар идоралари ходимлари қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб олишлари даркор. Чунки кўпгина ички ишлар идоралари ходимлари ҳамон эскича фикр юритмоқдалар, рақамлар ва кўрсаткичларни инсон тақдиридан юқори қўйиб, ноқонуний йўллардан бориб, қонун бузилишларига йўл қўймоқдалар.

Масалан, гумон қилинувчини ушлаш, ҳибсга олиш, жиноят ишларини ҳаракатдан тўхтатиш ёки жиноят ишини рад этиш қарорларини чиқаришда, айбланувчининг ҳаракатини тавсифлаганда фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ҳолатларини юзага келтирмоқдалар. Чунончи, жиноят содир этишда гумон қилинувчиларнинг ноқонуний ушлаб турилганликларини билдирмаслик учун ички ишлар идоралари ходимлари уларни айби исботланмагунга қадар вақтинчалик ушлаб туриш ҳибсхоналарига киритмай, ўз кабинетларида сақлайдилар. Чунки ҳибсхонага киритилган гумон қилинувчи рўйхатга олиниши керак. Агар гумон тасдиқланмаса, уни ҳибсхонага олиб келган ходим жазога тортилади.

Қонунга кўра, гумон қилинувчи ички ишлар идораларига келтирилиб, эркин ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум бўлдимиз, у қонунда кўрсатилган процессуал мақомга эга бўлиб, 72 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас ҳамда Конституциянинг 26 ва 44-моддаларига асосан, ҳуқуқий эркинликлари поймол бўлган ҳисобланади. Аммо гумон қилинувчи ҳибсхонага киритилмай, кабинетда суткалаб ўтирса, у қанча соат ўтирганини қандай исботлайди?

Гумон қилинувчи ички ишлар идораларига олиб келинган заҳоти тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмаслиги ва соатлаб, айрим вақтларда суткалаб ҳеч бир ҳужжатсиз ички ишлар идоралари ходимларининг кабинетларида ушлаб турилиши фактларининг мавжудлиги фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланмасдан қолаётганлигини англатади. Айнан шундай ҳолатларнинг мавжудлигини БМТ эксперти Тео Ван Бовен ўзининг маърузасида ақс эттирган. Мавжуд ҳолатлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари жиноий жавобгарликка тортилганликларини Президентимиз ўз нутқларида келтириб ўтган<sup>68</sup>.

---

<sup>68</sup> Қаранг: *Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.* Т.10. – Т., 2002. – 240-б.

Аммо биз гумон қилинувчини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ҳақида сўз юритиб, жабрланувчининг шахсий, ажралмас ҳуқуқларини лозим даражада ҳимояланмасдан қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Қонунларда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги яққол акс этмоғи лозим.

Ички ишлар идоралари томонидан фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини мураккаб-лаштирувчи омиллардан бири ҳали-ҳануз ички ишлар идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи қонунларнинг қабул қилинишида сусткашликка йўл қўйилаётганлигидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида энг кўп сонли гуруҳни ички ишлар идоралари ташкил этади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига кирувчи идоралар учун «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги ва бошқа шу каби қонунлар қабул қилиниб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар чуқурлашиб борган сари, мазкур қонунларга тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди ҳамда янги таҳрирда қабул қилинди. Аммо ички ишлар идоралари функциясини аниқлаштириш ва янада такомиллаштириш масаласи кун тартибидан тушиб қолаверди. Бу эса фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларда ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича махсус қарорлар қабул қилинса-да, инсон ҳуқуқларини поймол қилиш билан боғлиқ қонун бузилишлари фавқулодда ҳолат деб топилса-да, айбдорларга нисбатан қатъий чоралар кўрилса-да, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича махсус комиссиялар ташкил этилса-да, аммо халқаро нормалар мазмунини ўзида сингдирган ички ишлар идоралари

ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмини кўзда тутувчи олий юридик кучга эга норматив ҳуқуқий акт – «Ички ишлар идоралари тўғрисида»ги қонун қабул қилинмас экан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ички ишлар идоралари томонидан таъминлашда муаммолар юзага келаверади. Шунингдек, ички ишлар идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи «Оператив-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини зудлик билан қабул қилиш зарур.

Ички ишлар идоралари томонидан фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида «Фуқароларнинг жамоат ва ҳуқуқий тартиботни ҳимоялашда иштирок этиши тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ички ишлар идораларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиши тўғрисида»ги ва шу каби тегишли қонунлар лойиҳасини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 225-моддасига тегишли тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида ички ишлар идораларининг суд идоралари билан ҳамкорлигини мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан, янгидан кўриб чиқишга тўғри келади. Дарҳақиқат, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда эълон қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, Президентимизнинг «Жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш тўғрисида»ги фармони ҳам инсоннинг асосий ажралмас шахсий ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Ислоҳотлар нафақат умумий судлар ва хўжалик судларига тааллуқли, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий ҳолатига ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя

қилиш соҳасида конституциявий судловни такомиллаштиришни ҳам назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасига мувофиқ, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжати суднинг қўлламаслиги фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. Аммо, бунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддасида назарда тутилганидек, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ноқонуний, яъни ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шахс муаммоси, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда давлат тузилмаларининг қўллаб-қувватлашидан фаол равишда фойдаланишлари мумкин. «Ҳар қандай жамият аъзоси ўз инсоний ҳуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис қилса, муддаомизга етамиз»<sup>69</sup>, – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида айтилганидек, «давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини таъминлайди». Мазкур моддани республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг конституциявий кафолати деб аташ мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятларнинг ҳозирги шароитда мавжуд бўлиши ва бозор муносабатларининг ривожланишида асос ҳисоб-

---

<sup>69</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 134-б.

ланади. Ушбу кодекснинг 24-моддасига мувофиқ, фуқаролар шахсий тадбиркор сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Фуқаролик кодекси фуқаролик ишларида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқларини белгилаб беради, хусусий мулк ва бошқа нарсаларга эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошишига асос бўлади, келишувлар ва бошқа мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган муносабатлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни тартибга солади.

Республикамизда фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий ҳуқуқларини муваффақиятли ва тўлиқ амалга оширишга қаратилган кўпгина муҳим ҳуқуқӣ ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир фуқаро, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, корхоналар, уюшмалар ёки мансабдор шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деб билсалар, судга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай ножўя ҳаракатларга давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, корхоналар, уюшмалар ёки мансабдор шахсларнинг коллегиял ва яққа тартибдаги қарорлари киради. Натижада:

– фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишида тазйиқлар уюштирилади;

– фуқароларга ноқонуний равишда қандайдир мажбурият юкланади ёки улар ноқонуний равишда жавобгарликка тортилади.

Юқоридаги иккита қоида шуни кўрсатадики, қонун авваламбор умумруҳсат этилган доимий ҳуқуқӣ муносабатлар соҳасида қўллаш учун мўлжалланган. Бунда фуқаролар ўзларининг Конституция билан қафолатланган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини, иқтисодий, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг ишларига тегишли органларининг ноқонуний аралашини ҳолатлари тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки босқичига тегишли бўлади ва одатда қуйидагиларда акс этади:

– хусусий тадбиркорликни асосланмаган ҳолда рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши ёки рўйхатдан ўтказмаслиги;

– иқтисодий фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватламаслик ва шу асосда уларнинг қонуний манфаатларини чеклаш;

– тадбиркорлик фаолиятида қонунда кўрсатилган иқтисодий мустақилликни чеклаш.

Амалдаги қонунчиликка асосан, судлар қуйидагилардан бошқа ҳар қандай фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тўсқинлик қиладиган ҳаракатлар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади:

– тўла ваколатга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди зиммасига юклатилган текширув ҳаракатлари (қарорлари);

– қонунчиликда бошқа суд ҳукми тартиби кўзда тутилган ҳаракатлар (қарорлар)<sup>70</sup>.

Шундай қилиб, фуқаролар ўзларининг иқтисодий ҳуқуқларига тўсқинлик қилаётган ҳаракатлар устидан шикоят билан тўғридан-тўғри судга ёки юқори турган давлат идорасига, ўзини ўзи бошқариш идораларига, корхоналарга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар тушган шикоятларни бир ой муддат ичида кўриб чиқишлари лозим. Агар фуқаро берган шикоят топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилмаса ёки жавоб олинмаса, у шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда фуқарога адвокат хизматидан фойдаланишга рухсат берилади.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига кўра, яшаш жойидаги судга ёки жавобгар яшайдиган жойдаги судга берилади<sup>71</sup>.

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар ўрнатилган:

– фуқарога унинг ҳуқуқлари бузилганлиги маълум бўлган кундан бошлаб уч ой ичида;

---

<sup>70</sup>Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т., 1996. – №2. – 110-б.

<sup>71</sup> Қаранг: Ўша ерда. – 111-б.

– фуқаро юқори давлат идораларидан ёки мансабдор шахслар томонидан шикоятга рад жавобини олса, шикоятга ёзма жавоб хати олмаса, бир ой ичида. Узрли сабабларга кўра қолдирилган шикоят бериш муддати суд томонидан тикланади<sup>72</sup>.

Шикоятни кўриб чиқаётган суд фуқаронинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан давлат идораси ёки мансабдор шахснинг шикоятни кўриб чиқиш ишларини ёки қарорларини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Жавобгарга шикоят қилинаётган ҳолатларнинг қонунийлигини ҳужжатлар асосида исботлаш мажбурияти юклатилади, фуқаро ёки унинг вакили шикоятга берилган жавобгарлик ноқонунийлигини исботлаш мажбуриятидан холос этилади, лекин у ўзининг ҳуқуқлари бузилганлигини далиллар орқали исботлашга мажбурдир.

Фуқаронинг ҳуқуқларини поймол қилувчи ноқонуний ҳаракатлар ёки қарорлар устидан тушган ариза асослангандан сўнг, суд фуқароларнинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди. Агар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни суд фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмайдиган хатти-ҳаракат деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади<sup>73</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, миллий қонунчилигимизда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита (тўғридан-тўғри) ёки билвосита (суд инстанциялари орқали) судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида юқори турувчи орган мансабдор шахс шикоятини бир ойлик муддатда кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят

---

<sup>72</sup> Қаранг: Ўша ерда. – 112-б.

<sup>73</sup> Қаранг: Ўша ерда. – 112-б.



берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Фикримизча, фуқароларнинг судга чекланмаган тарзда ва бевосита мурожаатлари суд томонидан кўриладиган ишларнинг жуда ҳам кўпайиб кетишига ва бу жараёнларнинг узоқ чўзилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, кўрилаётган ишларнинг сифатига салбий таъсир этади.

Шунинг учун фуқаролар ўзларининг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласалар, ариза ёки шикоят билан бевосита ички ишлар идоралари ходимлари (профилактика инспекторлари)га мурожаат қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундай қилиб, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиб, фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолатларда, уларнинг ички ишлар идораларига мурожаат қилиши учун ҳуқуқий механизмни шакллантириш лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддасининг «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади», деган банди «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари орқали ҳимоя қилиш кафолатланади», деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунундан назардан ички ишлар идоралари фаолиятини тартибга солувчи қабул қилинажак норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозим бўлади.

Фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ички ишлар идоралари томонидан таъминлаш учун процессуал қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Ана шунда ички ишлар идоралари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан кўриқланадиган манфаатларига риоя этилишининг кафолати сифатида майдонга чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг шахсий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан ички ишлар идораларига муурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжуд бўлиши ички ишлар идораларининг мавқеи, обрўйи ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, республикамизнинг амалдаги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар жамиятимизнинг ривожланишида, бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланишида, фуқароларнинг ҳуқуқлари амалга ошишининг мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки «ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак»<sup>74</sup>.

---

<sup>74</sup> *Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 63-б.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий соҳани ислоҳ қилишнинг асосий мақсадларидан бири, кундалик ҳаётимизга ҳуқуқий кадриятларни сингдириб боришга эришишдир. Аммо ички ишлар идоралари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳозирги пайтда кўплаб учраб турибди. Одил судлов тизимида ислоҳотлар олиб борилса ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатилса ҳам, агар кишилар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг оддий усулларини ўрганиб олмас экан, ҳуқуқий ислоҳотларнинг муваффақияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширмасдан туриб ислоҳотлардан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқий саводи етарли бўлмаган кишилар ички ишлар идораларига тушиб қолсалар, улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида бош қотирмайдилар, аниқроғи ўз ҳуқуқларини билмайдилар. Бундай вазиятда ички ишлар идоралари ходимлари улар билан қандай муомалада бўлсалар, тўғри деб қабул қиладилар. Улар ҳатто шикоят ёзишни ҳам билмайдилар, агар шикоят ёзган тақдирда ҳам ички ишлар идоралари ходимлари бу шикоятни тегишли жойга етказишига ишонмайдилар.

Аҳолининг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилинмаганлиги ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ. Ички ишлар идоралари ходимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда қуйидагиларга амал қилишлари керак:

*биринчидан*, ўз фаолиятларини фақат қонун доирасида олиб боришлари; *иккинчидан*, тирикчилик ғамидан йироқ бўлган ҳолда соғсаломат, оилавий ташвишлардан холи бўлиб, фақат ўзларига юклатилган масъулиятли вазифаларни ҳалол адо этишлари; *учин-*

*чидан*, ақл-фаросатли бўлиб, фуқароларнинг ҳар бир сўзи- фикрини тезда илғаб олиши, кўрган, эшитган, идрок этганларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмайдиган бўлиши; *тўртинчидан*, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, журъатли, мард ва жасур бўлиши; *бешинчидан*, улар табиатан адолатпарвар бўлиб, барчани адолатга чақирувчи ва етакловчи бўлиши лозим.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларига, яъни жамиятимизда халқ хоҳиш-иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз ва бу саволларга жавоб излашимиз керак бўлади. Бунинг учун ички ишлар идоралари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қиладиган мукаммал ҳуқуқий механизмни яратишлари лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003. – 44 б.
- Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т., 1996. – 364 б.
- Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т. 1996. –379 б.
- Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – 366 б.
- Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – 349 б.
- Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997. – 378 б.
- Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998. – 429 б.
- Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – 410 б.
- Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – 522 б.
- Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001. – 439 б.
- Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – 432 б.
- Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т., 2003. – 320 б.
- Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т., 2004. – 400 б.
- Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – 439 б.
- Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. –280 б.
- Каримов И. А.* Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси // Постда. – 2006й. – 8 дек.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 август конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1991. – №11. – 246-м.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги 1991 йил қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1991. – №11. – 245-м.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т., 1996.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 1996.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 1998.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – №9. – 227-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги 1992 йил 2 июнь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – №9. – 338-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – №5–6. – 59-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги 1996 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1996. – №9. – 128-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 1998 йил 1 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – №5–6. – 47-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 1995 йил 30 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами). – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 8–16-б.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2002 йил 13 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – №1. – 7-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги 2006 йил 12 апрель қонуни.

Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданият: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997. – 136-б.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. – Т.: Адолат, 1992. – 63 б.

*Исмаилов Б. И.* Имплементация международных правовых стандартов в области прав человека // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2001. – №1.

*Исмаилов Б.* Имплементация международных стандартов прав человека на защиту от пыток и других жестоких, бесчеловечных видов обращения и наказания в национальное законодательство Республики Узбекистан // *Ҳуқуқ – Право – Law.* – 2003. – №2.

*Исмаилов Б.* Правовые основы системы ювенальной юстиции // *Давлат ва ҳуқуқ.* – 2003. – №3.

*Исмоилов Б. И.* Международные стандарты личных прав человека и национальное законодательство Республики Узбекистан. – Т., 2000.

*Исмоилов Р. К., Рахимова Г. И., Джамилова Л. А.* Права человека в Республике Узбекистан. – Т., 2001.

*Миренский Б. А., Рахмонқулов А. Х., Чинибаев Ҳ. Ж.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 115-б.

*Одилқориев Ҳ. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320-б.

*Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – 208-б.

*Одилқориев Ҳ. Т., Тултеев И. Т.* Икки палатали парламент (Қайта ишланган ва тўлдирилган 2- нашр). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 344-б.

*Одилқориев Ҳ. Т., Тултеев И. Т., Мухамедов Ў. Ҳ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 684-б.

*Рахимов Ф. Х.* Защита прав и свобод человека – основной принцип Конституции. – Т.: Адолат, 1994.

*Рахмонқулов А. Х.* Фуқаролик: ҳуқуқлар, бурчлар, эркинликлар. – Т.: Фан, 1991. – 172 б.

- Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. 1 том. – Т., 1998.
- Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 том. – Т., 1998.
- Тансыкбаева Г.М., Муҳаммеджанов О.М.* Конституция и мы. – Т., 1996.
- Тоҷихонов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – 234 б.
- Тоҷихонов У.* Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик. – Т., 1995.
- Тоҷихонов У., Саидов А. Х.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – 119-б.
- Файзиев М. М., Чинибаев Ҳ. Ж.* Республика ички ишлар идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқлари масаласи // Ҳуқуқ – Право – Law. – 1999. – №3 (7). – 60–63-б.
- Фаузи Абдельмажид.* Международные стандарты прав человека для правоохранительных органов. – Бишкек, 1998.
- Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар тўплами / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2004. – 212-б.
- Юридик энциклопедия / Проф. У. Тоҷихонов таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2001. – 650-б.
- Якубов А. С.* Реализация в уголовном правосудии международных принципов прав человека // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1998. – №1. – С. 31–36.



## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИФОДАЛАНИШИ.....	8
1. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш .....	8
2. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизими ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустаҳкамланиши.....	14
3. Ўзбекистон Республикасида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш .....	21
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ.....	32
1. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашда ички ишлар идораларининг ўрни.....	32
2. Фуқароларнинг шахсий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари амалга оширадиган вазифалар.....	42
3. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идораларининг вазифалари .....	51
ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	62
1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва унинг принциплари .....	62
2. Ички ишлар идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг қонуний асослари.....	69
3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муаммолари.....	80
ХУЛОСА .....	90
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	92

Хусан Жумакулович ЧИНИБОЕВ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИДА  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

*ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА*

Мухаррир **Б. А. Яров**  
Техник муҳаррир **М. Р. Исаметова**

---

Босишга рухсат этилди . 08. 2007. Нашриёт-ҳисоб табағи 6,0  
Адади . Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68